20__ — Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK

O'zingni angla!

HURRIYAT

Mustaqil gazeta

2019-yil 1-may, chorshanba ✱ № 7 (1121) ✱ 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ✱ Elektron manzil: info@uzhurriyat.uz ✱ www.uzhurriyat.uz

ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕК ОИЛАСИ ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?

Феруза Муҳиддинова, юридик фанлари доктори:

Фаолиятим давомида шундай оталарни кўрдимки, "Майли қанча алимент деса бераман, шу хотинимдан қутулсам бас" дейди. Аммо, ўртадаги фарзанд-чи?

⇨ 2-бет

"ҚАЙДА ЮРСАМ ЁДИ МЕҲРИНГ ОВУНЧ БЎЛДИ"

Ғайрат МАЖИД:

— Муҳаммаднинг шеърлари бир қарашда жуда содда, жўн ёзилганга ўхшаб туюлади. Аммо унга ўхшатиб ёзиб кўрингчи? Қўлингиздан келмайди! Унинг осон ёзиладиганга ўхшаб кўринган мисралари мухлисларни йиғлатади, кулдиради, ўз оғушига тортиб олади, — деб ёзган эди Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддинов.

⇨ 5-бет

МЕНИ МУТОЛАА УЛҒАЙТИРГАН

Усмон АЗИМ, Ўзбекистон халқ шоири:

— Кеча Алишер Навоий ҳазратларининг бир сатрига кўзим тушиб, ҳаяжонланиб кетдим. Ҳазрат "Маҳбуб ул-қулуб"да "турк болалари"нинг "оқсуяк" ўйнагани ҳақида ёзиб ўтганлар.

⇨ 6-бет

Ҳафта воқеалари

✓ Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишда маъмурий тартиб-таомилларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори 2019 йилнинг 22 апрель куни қабул қилинди.

✓ Ўзбекистон Республикаси Президенти "Бола ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига 2019 йил 23 апрель куни имзо чекди.

✓ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 23 апрель куни Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев билан телефон орқали мулоқот қилди.

Президентимиз Қозоғистон раҳбарини жорий йилнинг 9 июнь куни ўтказиладиган навбатдан ташқари Қозоғистон Республикаси Президенти сайловига номзод этиб кўрсатилгани билан қутлади ва унга муваффақият тилади.

✓ Ўзбекистон Республикаси Президенти 2019 йил 23 апрель куни "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги фармонини тасдиқлади. Унга кўра Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига 7.500.000 (етти миллион беш юз минг) сўм миқдорида бирйўла пул мукофоти белгиланди.

✓ Ўзбекистон Республикаси Президенти 2019 йил 23 апрель куни "Хотира ва қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорини тасдиқлади.

✓ Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Хитойда ўтган "Бир макон, бир йўл" форумидаги нутқи кўплаб хориж оммавий ахборот воситаларида катта акс-садо берди. Жумладан, Бельгиянинг "The Brussels Times", Японияниинг "The Japan Times", "China Daily"нинг АҚШдаги "China Daily USA" нашри, Мисрнинг "Egypt Independent" сингари нуфузли газеталари Президентимиз илгари сурган фикр ва ғояларни юксак баҳолади.

✓ Ўзбекистон Республикаси Президенти "Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги фармонига 2019 йил 29 апрель куни имзо чекди.

✓ Ўзбекистон Республикаси Президенти "Республика иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига 2019 йил 29 апрель куни имзо чекди.

✓ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жорий йилнинг 29 апрель куни Қирғизистон Республикаси Президенти Сооронбай Жээнбеков билан телефон орқали мулоқот қилди. Давлат раҳбарлари Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги кўп асрлик дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатларининг кенгайиши ҳамда мустаҳкамланишида турли соҳалардаги ўзаро ҳамкорликнинг ривожланиб бораётганлигини қайд этдилар.

✓ Жорий йилнинг 30 апрель куни мамлакатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши юзасидан амалга оширилаётган ишлар билан танишиш мақсадида Сурхондарё вилоятига ташриф буюрди.

ОАВ хабарлари асосида тайёрланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ўн тўққизинчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўққизинчи ялпи мажлиси 2019 йил 3 май куни соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларининг диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2019 йил 2 май куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойесида рўйхатга олинади.

Х. Мамадалиев (ЎзА) фотоси.

Истеъдодли қизлар ибрати

Мамлакатимизда хотин-қизларга муносиб ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, ёшларнинг жамиятимиздаги ўрни ва нуфузини ошириш, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, ўзининг иқтидори ва ибратли фаолияти билан бошқаларга ўрнак бўлиб келаётган қизларни рағбатлантириш мақсадида атоқли шоира Зулфия номидаги Давлат мукофоти таъсис этилган.

Наманган санъат коллежи ўқувчиси Гулшодабегим Абдулҳамидова Президентимиз Фармони билан жорий йилда ана шундай юксак мукофотга сазовор бўлди.

Санъатнинг миллий ва академик ижро йўналишида ижод қиладиган Гулшодабегим болалигидан турли тадбирларда, нуфузли танловларда фаол иштирок этиб келади. 2014 йилда Беларуснинг Могилёв шаҳрида ўтказилган "Золотая пчёлка" болалар ва ўсмирлар фестивалида академик ижро йўналишида ғолиб бўлган. Ўтган йили «Ниҳол» кўрик-танловининг вилоят босқичида академик ижро йўналиши бўйича биринчи ўринни эгаллади. Зулфия номидаги Давлат мукофоти уни янада юксак марралар сари илҳомлантирмоқда.

3 ➔

Уюшма фаолиятидан

Эътиборни ҳис қилиш саодати

Ёши улуғларни эъзозлаш, уларнинг ҳолидан хабар олиш халқимизга хос фазилатлардан. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Сирдарё вилояти бўлими томонидан фахрий журналистлар ҳолидан хабар олинаётгани заминида ҳам шу анъана мужассам.

Фахрий журналист Баҳром Яҳёев Сирдарё тумани ҳокимлиги нашри — "Сирдарё" газетасида кўп йиллар бош муҳаррир бўлиб меҳнат қилган. Айни чоғда кексалик гаштини сураётган 93 ёшли журналист бир вақтлар ўзи бошқарган газетага ҳозир ҳам мақолалар ёзиб туради.

— Сени кимдир йўқлаб келса, хурсанд бўласан, хонадонинга нур киргандек бўлади, — дейди Баҳром Яҳёев. — Аслида гап совға-саломда эмас, гап эътиборда.

4 ➔

Тадбир

Козимжон Комилов: "Энди матбуотсиз яшаб бўлмайди"

Маълумки аҳолининг сиёсий фаоллиги, ҳуқуқий маданиятини ва саводхонлигини юксалтириш, давлат органлари, хусусан, судлар фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишда оммавий ахборот воситалари муҳим ўрин тутади. Мамлакатимизда сўз ва матбуот эркинлиги, журналистларнинг ахборотни монеликсиз излаш, олиш, тарқатиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва тегишли қонунлар билан кафолатланган.

Инсон ҳуқуқ ва манфаатларининг ҳимоячиси бўлган суд мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида ислоҳотлар самадорлигини оширишга ва бу ҳақда кенг жамоатчиликни хабардор этишга кўмаклашувчи қатор босма ва электрон ОАВ мавжуд. Ушбу йўналишга ихтисослашган журналистлар қатлами шаклланди. Бу, ўз навбатида, аҳолини сифатли ҳуқуқий ахборот билан таъминлаш имкониятини бермоқда. Бинобарин, суд-ҳуқуқ соҳасини ёритиш қонунқоидаларини пухта билмасдан туриб баъзан палапартиш ахборот тарқатиш ҳолатлари ҳам учраётганини айтиш жоиз. Бундай ҳолатлар суд тизимида шаффофлик ва очиқликни таъминлашдаги мавжуд муаммолар сирасидан ҳисобланади.

Кеча, 30 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Олий судида мамлакатимизнинг етакчи газета ва журналлари бош муҳаррирлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Матбуот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги масъул ходимлари, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ва матбуотга дахлдор бошқа муассасалар ҳамда айрим ижтимоий тармоқлар вакиллари иштирокида ўтган давра суҳбатида суд ҳокимияти ва оммавий ахборот воситалари ўртасидаги ўзаро амалий ҳамкорликни йўлга қўйиш ва мустаҳкамлаш, бу борадаги мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари ҳамда истиқболдаги режалар муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суд раиси Козимжон Комилов бошқарган ушбу тадбирда юртимизда суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар, қабул қилинаётган қонун, фармон ва қарорлар судларнинг мустақиллигини, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш, шунингдек, одил судловга эришиш даражасини оширишда дастуриламал бўлаётгани таъкидланди.

4 ➔

Муаммо

Қурувчи, ҳосилот, математика ўқитувчиси...

ёки Хоразмдаги айрим ташкилот ва идоралардаги "матбуот хизмат"ларида нега соҳага тааллуқли бўлмаган кишилар фаолият юритмоқда?

Турли идора,ташкилот ва муассасалар ҳузуридаги матбуот хизматлари илк фаолиятини бошлаган кезлар қаламкашлар қалбида нечоғли катта ҳис-ҳаяжон уйғонганини ҳамон чуқур қониқиш ва мамнуният туйғулари билан эслаймиз. Ҳамкасбларимиз хизматнинг бу янги турини оммавий ахборот воситаларининг бир бўлаги, ажралмас қисми, кўп сонли таҳририятлар ва қалам аҳилларининг яқин дўсти, ҳамкори, кўмакчи ва мададкори сифатида қалб тўрига жо этишганига гувоҳмиз.

Афсус, бундай илиқ мулоҳазаларни эндиликда Хоразмда деярли эшитиш қийин. Унинг ўрнини анчайин ғализ ва ҳатто маҳзун ўй-фикрлар эгаллаган. "Матбуот хизматлари мавжуд бўлмаган пайтларда ҳам ишлаганмиз, нашрларимизни уларсиз ҳам чоп этганмиз ва бундан кейин ҳам чоп этаверамиз. "Улардан қандай янгилик кутиш мумкин?" қабилидаги мулоҳазаларга дуч келаяпмиз. Бу қарашларни асоссиз, деёлмаймиз.

Албатта, таҳририятларга ҳамдам-у, ҳамнафас фаолият кўрсатаётган пешқадам ва тажрибали матбуот хизматлари Хоразмда ҳам мавжуд. Жиноят ишлари бўйича вилоят суди, вилоят адлия бошқармаси, иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга қарши кураш департаментининг вилоят бошқармаси, вилоят йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси, Республика Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясининг вилоят бошқармаси қошидаги матбуот хизматларининг вилоят ва республика телевидение тармоқлари билан ишлаш ва ҳамкорлик соҳасидаги фаоллигини алоҳида қайд этиш зарур.

4 ➔

Анжуман

“Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” Давлат дастурига асосан Тошкент шаҳридаги “Ўзэкспомарказ” Миллий кўргазма компанияси, Халқаро бизнес маркази ва Халқаро савдо маркази ҳудудларида ўтказилган “Tashkent Law Spring” – “Тошкент ҳуқуқ баҳори” халқаро юридик форуми самарали мулоқотларга бой бўлди.

Халқаро юридик форуми – катта тажриба мактаби

Илк маротаба ташкил қилинган ушбу нуфузли тадбирдан мақсад жаҳон юридик ҳамжамиятини Ўзбекистон қонунчилиги билан яқиндан таништириш, қатнашчиларга мамлакатимизда амалга оширилаётган ҳуқуқий ислоҳотлар ҳақида аниқ маълумотлар беришдан иборат.

Бундан ташқари, ҳуқуқ соҳасидаги етакчи хорижий ва маҳаллий мутахассислар, экспертлар, олимларни бир жойга тўплаб, улар билан бирга, дунёда кечаётган ҳуқуқ йўналишидаги сўнгги тамойилларни муҳокама қилиш, замонавий

юридик фан ва амалиётнинг долзарб масалалари юзасидан фикр алмашиш, энг муҳими, форум муҳокамалари натижаларидан Ўзбекистоннинг ҳуқуқ тизимини ривожлантиришда самарали фойдаланиш кўзда тутилган.

— Форумда миллий ва хорижий адлия, суд, прокуратура ва бошқа давлат органларининг раҳбар ходимлари, жамоат ташкилотлари, халқаро тижорат ва нотижорат ташкилотлари, дунёнинг етакчи юридик фирмалари раҳбарлари ва вакиллари, ҳуқуқ ҳамда халқаро муносабатлар бўйича таниқли экспертлар иштирок этди, — дейди Адлия вазирлиги халқаро ва хорижий ташкилотларда Ўзбекистон Республикаси манфаатларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш бошқармаси бош маслаҳатчиси Ҳурлиман Айтниязова. — Бу нафақат тажриба алмашиш, балки тизимга энди қадам қўйган ёш мутахассислар учун катта мактаб бўлади. Унинг доирасида ўтган тадбирларнинг натижаларига қараб, форумни ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб боришни ҳам мақсад қилганмиз.

Асосий мавзу — “Ҳуқуқ жадал модернизация даврида!” Ушбу мавзу бежизга танланмади. Форум қатнашчилари билан биргаликда давлат ва жамиятнинг жадал ўзгаришлари даврида ҳуқуқ қандай бўлиши керак, деган саволга жавоб топишга ҳаракат қилинди.

Форумда иштирок этиш учун Сингапур Республикаси, Саудия Арабистони, Россия Федерацияси, Афғонистон Ислом Республикаси, Беларус Республикаси, Озарбойжон Республикаси адлия вазирликлари ҳамда Корея Республикаси Давлат қонунчилиги вазирлиги делегациялари ташриф буюрди. Тадбир арафасида Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Русланбек Давлетов Саудия Арабистони Подшоҳлиги адлия вазири ўринбосари Аласим Ясер Ҳамад, Сингапур Республикаси Адлия ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари Катта давлат вазири Эдвин Тонг ҳамда Франция Республикаси делегацияси билан учрашди. Мулоқот чоғида ўзаро манфаатли долзарб масалалар бўйича фикр алмашилди.

Ушбу кенг қамровли анжуманда ўттиздан зиёд давлатдан 244 нафар хорижий иштирокчи, жами мингдан ортиқ мутахассис қатнашди.

“Сифатли давлат бошқаруви”, “Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш”, “Фаол инвестицион сиёсат” йўналишлари бўйича форумнинг асосий тадбирлари доирасида 17 муҳокама сессиялари бўлиб ўтди. Уларда 134 нафар эксперт маъруза қилди. Маърузачилар орасида Америка юристлари ассоциацияси Ҳуқуқ устуворлиги бўлими директори, Гарвард университети профессори Алберто Мора, Мулк ҳуқуқи Алянси ижрочи директори (The Property Rights Alliance, PRA) Лорензо Монтанари, Америка-Ўзбекистон савдо палатасининг раиси, “White & Case” Халқаро юридик фирмаси ҳамкори Керолин Лемм, Европа низоларни ҳал этиш маркази президенти Алеш Залар, Россия Федерацияси Адвокатлар палатаси президенти Юрий Пилипенко, Ҳуқуқий ривожланиш халқаро ташкилоти (ХРХТ) Марказий Осиё бўйича минтақавий директори Фред Хюстон сингари таниқли экспертлар бор.

“Суд экспертизаси” ва “Нотариат” мавзуларига оид давра суҳбатлари, “Юридик компания бошқаруви: муваффақият сирлари” ва “Инвестиция лойиҳаларини бошқариш” мавзуларида маҳорат дарслари ўтказилди.

— Турли давлатлардан мутахассислар таклиф этилган ушбу нуфузли тадбирда қатнашганимдан мамнунман, — дейди Бостон юридик коллежи (АҚШ) вакили Винсент Рогеу. — Мен танлаган мавзу адвокатура йўналишида бўлди. Бизда, яъни Америкада ҳуқуқий тизим бошқачароқ. Масалан, суд жараёнида иштирок этадиган адвокатнинг мақоми ҳамма жойда бир хил. Британияда адвокатлар барристер ва солиситор (юрист-консультант) йўналишларида иш олиб боради. Бизда эса ҳар икки вазифани битта адвокат бажараверади. Бу билан демоқчиманки, ушбу форум тажриба алмашиш учун катта имкониятдир. Бугунги тадбирда америкалик юристлар учун ҳам муҳим бўлган масалалар хусусида маърузалар тингладик. Масалан, фуқароларга ҳуқуқий ёрдам, ҳуқуқ-тартибот органлари тизимини такомиллаштириш борасидаги мавзулар менга жуда маъқул бўлди. Ўрта Осиё ҳуқуқий тизими тўғрисидаги маълумотларга эса мен каби кўпчилик қизиқди.

Форум доирасида “Йилнинг энг яхши адвокати”, “Йилнинг энг яхши адвокатлик тузилмаси”, “Энг яхши корпоратив юридик хизмат” каби номинациялар бўйича ўтказилган республика танловининг ғолибларини тақдирлаш маросими ҳам бўлиб ўтди.

Халқаро форум тадбирлари ўзбек, рус ва инглиз тилларида олиб борилди.

Холида ФАЙЗИЕВА.

Таҳлил

Истеъмолимиздан “Замонавий оила” деган ибора кенг ўрин олди. Кимдир ўғлига келин қидирса ёки қизига куёв танлаётган бўлса, одатда танланаётган тараф ҳақида: “Замонавий оила, — деймиз. — Иккиланмай, қуда бўлаверинг”. Аслида оиланинг замонавийлиги нимада? “Эскичаси-чи?” “Замонавий” деганда қандай оила тушунилади?

Замонавий ўзбек оиласи қандай бўлиши керак?

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази томонидан айни саволларга аниқ жавоб топиш ҳамда замонавий-намунали оила моделини ишлаб чиқиш мақсадида жойларда сўров ўтказилди. Унда саккиз юздан ортиқ оила аъзолари иштирок этди.

Суҳбат-тадқиқотлар натижаларидан ойдинлашдики, замонавий–намунали оила, энг аввало, тўкис, яъни қонуний никоҳдан ўтган ота-онаси билан биргаликда аҳил ва фаровон яшайдиган камида 3 фарзандга эга оила. Айни пайтда бундай оила моделида бобо ва бувилар ҳам бор. Оила аъзолари жисмонан соғлом, ота-оналар ва фарзандларининг барчаси олий маълумотли, ўз касб-корига эга. Фарзандлари миллий қадриятлар руҳида тарбияланган.

Қуда бўлиш учун бундан зўр оиланы учратиш қийин. Тўғрими?

Сўров ўтказилган оилаларнинг 23 фоизи берган жавобларда маънавий-ахлоқий қадриятларни унутмаган, замон билан ҳамнафас, барчага ибрат бўларли, жамиятга фойдаси тегадиган, ота-онасини қадрловчи, кечиримли, дунёқараши кенг, ватанпарварлик туйғуси шаклланган, ўзаро меҳр-оқибатли, кийиниши бадастр, сабр-қаноатли, эр-хотин, қайнона-келин, яқин қариндошлар, қуда-андалар ўзаро аҳиллигига ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Бу факт ва рақамларни мутахассислар шундай шарҳлайди.

— Замонавийми ёки “эскича” оилами, энг аввало, эр-хотин аҳил, ҳаммаслак бўлиши керак, — дейди Тошкент давлат юридик университети профессори, юридик фанлари доктори Феруза Муҳиддинова. — Аёл рўзғор юмушлари билан банд бўлса, ота фарзандларининг тарбияси билан шуғулланиши мақсадга мувофиқ. Масалан, улар билан шахмат ва шашка, футбол ўйнаса, дарсларини биргаликда бажарса. Бундай оила фарзандлари ота-онасига, атрофидагиларга меҳрли-оқибатли бўлиб улғаяди, деб ўйлайман. Сирини, муаммосини яширмайди.

“Замонавий оила” деганда ҳашаматли ҳовли-жой, автомобиллару мобиль телефонлари, кунда, кунора кафе-ресторанларда маишатбозлик қилиш, сўнгги модада кийиниш имконияти тушунилмайди. Булар иккинчи даражали воситалардир. Ушбу воситаларга истаган одам, масалан, ўғрилик, ғарлик, қотиллик йўли билан ҳам эришиши мумкин. Лекин ҳалоллик, поклик ва меҳнат билан фаровонликка эришган оилаларда қутбарака сероб, хотиржамлик бўлиши азалдан маълум. Замонавий оилада уйнинг тўрида китоб, китоб жавони бўлади. Илм, билим, маърифат юксак қадрланади. “Фалончи китоб кўрган одам”, деган ҳикмат бежиз асрлар оша яшаб келаётгани йўқ. Кўпни кўрган кексалар оиланинг баракаси — фахридир.

Юрист сифатида шуни таъкидламоқчиманки, аксарият ёшлар ўртасига совуқчилик тушса, дарров тўнини тескари кийиб олади. Кечагина бирбирини кўрмаса туролмайдиган эр-хотин душманга айланади. Фаолиятим давомида шундай оталарни кўрдимки, “Майли қанча алимент деса бераман, шу хотинимдан қутулсам бас” дейди. Аммо ўртадаги фарзанд-чи? Пулни, бошқа хотинни ҳам топиш мумкиндир, аммо бой берилган бахтни яна қандай топади? Ўз пушти камаридан туғилган болани етим қилиб, саодатга эришиш, хотиржам яшаш мумкинми? Оиланинг устуни — сабр-тоқат, қаноат. Дунёда оилавий бахтдан буюкроқ саодат йўқдир.

Психология фанлари номзоди, Ўзбекистон жаҳон тиллари университетининг доценти Дилдора Раҳимованинг фикрича, бугунги оилаларда ота-она ва фарзандлар ўртасидаги психологик муносабатларда анча ўзгаришлар рўй бераётир. Оилашунослар бунинг бир учини замонавий технологиялар, техника тараққиёти-ю глобал ўзгаришларга олиб бориб тақашади. Оилада фарзандларнинг роли ошмоқда. Илгари деярли барча ўзбек оила аъзолари бир ҳовлида умргузаронлик қилган бўлса, энди ёш оилалар алоҳида яшашни маъқул кўрмоқда. Шунинг билан бирга, илгари ёш ота-оналар кўпроқ ота-она, бобо-бувиларининг йўл-йўриқларига, панд-насиҳатларига амал қилишга ўзида мойиллик сезган бўлса, ҳозирги ёшларнинг тутимида интернет ва Ғарб маданиятининг таъсири устунлик қилаётгани сезилмоқда. Натижада ёш ота-оналар фарзанд тарбиясида асрлар оша сайқал топиб келган миллий анъаналардан узоқлашиб, оро-йўлда қолиб кетаётирки, дарахт бир жойда ўссагина бақувват бўлади, деган ҳикмат ёдга тушади. Бу, айниқса, оилада аёлларнинг роли, ҳукмфармонлиги сезиларли даражада ошганида яққол кўринади. Айни ўзгариш оиланинг иқтисодий, ҳам маънавий ҳаётида ҳам ўз аксини топмоқда. Шу билан бирга боланинг ҳам ўрни, “ташвишлари” ошди. Уларда ақлий-эмоционал ўзгаришлар жараёни кузатилмоқда. Бундай пайтда ёш ота-оналар фарзандларининг интеллектуал талабларини ўз вақтида тўғри англаб етмоғи даркор. Жумладан, фарзандининг бўш вақтини мазмунли ташкил этишга алоҳида эътибор бериб, уларни қўшимча машғулотларга жалб этиш йўлларини қидирмоғи лозим.

Шундай экан, оилалар мустаҳкам бўлиши учун, аввало, ота-оналар бирбирини қадрламоғи, ҳаёт синовлари ва турмуш зарбаларидан асраб-авайламоғи, сабр-қаноатли бўлмоғи даркор. Фарзандлар тарбиясида миллий анъаналарни замонавий билим билан бойитиб, доно ва бахтли фарзандларни вояга етказсалар, барча ҳавас қиладиган замонавий оилалар вужудга келади. Жамият ҳам ривож топади.

Аслида “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази томонидан ўтказилган сўровда иштирок этганларнинг аксарияти ҳам шундай фикрда.

Феруза БЕРДИЕВА,
журналист.

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат-нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди томонидан давлат субсидияси ажратилган “Ҳаракатлар стратегияси — юксалиш стратегияси” номли лойиҳа асосида чоп этилмоқда. (С/23)

Мулоҳаза

Танишим билан суҳбатлашиб ўтирган эдик. Ёнимиздан бир отахон қизи (ёки келини бўлса керак) набиралари билан ўтиб қолди. Отахонга ҳавасим келиб, шеригимдан:

Қайтар дунё

“Сиз ҳам қизингиз, аёлингиз, набираларингизни айлантиргани олиб чиқасизми?” — деб сўраганимни биламан, ўшқириб кетди.

“Бу саволни бир бердинг, қайта эшитмай. Мен нодон эмасман аёлим, қизимни кўчада етаклаб юргани. Ғурури, ори йўқ эркак хотинини шундай етаклаб юради!..”

Лабимни тишладим. Олиб чиқса, нима бўпти. Сайрга олиб чиқади-да, бунинг нимаси ёмон экан? Суҳбатдошимни кўпдан танийман. Кўчада чиройлироқ қиз-жувонни кўрса, еб қўйгудек тикилади. Ёши бир жойга борган одам, ҳатто уларга гап ҳам отади.

Мулоҳаза қилсак. Хўш, сизнинг қизингиз, аёлингиз азиз-у, бошқаларники қадрсизми? Ўзингизникини авайлаб, кўздан пана қиласиз-у, бошқаларга нима ёмонлик қилсангиз ҳам бўлаверадими? Сиз ҳирс билан кўз тикаётганлар ҳам кимнингдир аёли, онаси, синглиси эмасми?..

Бир онахон қаттиқ куюниб гапиряпти: — Ҳамма айб ўғлимда. Раҳбар бўлиб сайланди-ю айниди. Аёлларга муккасидан кетди. Неварам кеча қон йиғлаб келди. Коллежда синфдоши, шилқимлик қилиб кофтасини йиртибди. Номусдан ўлай деган шўрлик набирам сал қолди жонига қасд қилишига. Кейин билсам, набирамнинг отаси ўзи раҳбарлик қилаётган корхонадаги бир жувон билан “гап-сўз” бўлиб юраркан. Худо ҳаммасини кўриб, билиб туради. Қайтар дунё...

Улуғларимиз айтдиларки, инсонда уч хил қувват бор — фикрлаш, ғазаб ва шаҳват. Айтишларича, энг қийини шаҳватни енгиш экан. Яқинларимизни омонликда асрашимиз учун, аввало ўзимизни поклашимиз лозим. Зинога қоришган ҳар бир нигоҳимиз аҳли аёлимизга санчилган тиғ бўлмасин.

Мансурбек РЎЗИЕВ.
Андижон вилояти.

Инсон ва ҳуқуқ

Адлия – жамиятда одиллик ва адолат тамойилларига даъват этувчи бош давлат тузилмаси. Бўлимимиз ушбу вазифани туман миқёсида ҳал этиш учун ҳаракат қилмоқда. Зеро, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий саводхонликни таъминлаш билангина мамлакатни юксак даражада тараққий эттириш мумкин.

Бўлимларда нима гап?

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелда қабул қилинган “Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонига мувофиқ туманлар (шаҳар)да адлия бўлимлари ташкил этилди. Айни пайтда Жарқўрғон туманида ҳам шундай бўлим изчил фаолият юритмоқда.

Биз ҳокимлик ҳамда давлат органлари ва ташкилотларнинг тумандаги тузилмаларига қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қўллаш юзасидан маслаҳатлар бериш, уларнинг бу борадаги фаолиятига услубий раҳбарлик қилиш ва мувофиқлаштириш, қабул қилинаётган қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларнинг мазмунмоҳиятини ижрочиларга етказишга алоҳида эътибор қаратяпмиз. Туман — маҳалла тамойили бўйича ҳуқуқий тарғиботни кенг йўлга қўйдик. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва суд органлари билан биргаликда белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш, туман ҳокимлиги ва халқ депутатлари кенгаши қарорларининг қонун ҳужжатларига, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мақсад ва вазифаларига мувофиқлиги нуқтаи назаридан ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш масалалари доимий эътиборда. Вазифамизнинг бевосита йўналиши бўлган инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида чора-тадбирларни амалга ошириш, ўз ваколатимиз доирасида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш, давлат органлари ва ташкилотларининг туман тузилмасида ҳуқуқий ишларнинг ҳолатини мониторинг қилиш, уларнинг юридик хизматлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва услубий таъминлаш ҳам муҳим вазифаларимиз сирасидандир.

Айни пайтда Олий Мажлис Сенати қарори асосида бошланаётган фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқолла́ри) сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича адлия бўлими иш режасига асосан аҳоли ўртасида Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови тўғрисида”ги қонуни тарғиботи, бу йилги сайловларнинг ошкоралик, муқобиллик, шаффофлик асосида ўтиши борасида кенг тушунтириш ишлари олиб борилди. Бўлимимизга тумандаги “Янги турмуш”, “Янги қишлоқ”, “Янги усум” фуқаролар йиғинларини сайловга тайёрлаш бириктирилган эди. Вилоят миқёсида ўтказилган семинарда ушбу маҳаллаларда сайловга намунали тайёргарлик кўрилгани эътироф этилди.

Одамлар ўз дардини бемалол айта оладиган пайтда маҳалла ва қишлоқларда сайёр қабуллар ўтказилишига ҳам алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Куни кеча Лойқанд қишлоғида ўтказилган қабулда 60 нафардан зиёд киши иштирок этди. Сайёр қабул давомида маҳалла аҳолисидан тушган кўпчилик мурожаатлар шу куннинг ўзидаёқ ҳал қилинди.

Туманда 65 маҳалла бор. Биз аҳоли мурожаатларини эшитиш ва ҳал қилишга эътиборни кучайтирмоқдамиз. Чунки, одамларнинг кундалик ташвишларига елка тутиш, ҳаётдан рози бўлиб яшашларига эришиш давлатимиз раҳбари юритаётган сиёсатнинг бош йўналишидир.

Бўлимимиз ташкил этилганидан буён саккизта меҳнат жамоасида юридик хизматлар йўлга қўйилди. Қонунлар ва норматив ҳужжатларга амал қилинмаган ҳолатлар юзасидан мансабдор шахсларга 37 тақдимнома киритилди.

Бундай саъй-ҳаракатларнинг барчаси инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш, халқимиз фаровонлигини янада оширишга йўналтирилган.

Мамади ТЎРАЕВ,
Сурхондарё вилояти,
Жарқўрғон туман адлия
бўлимининг
катта маслаҳатчиси.

Ҳозирги ёшлар

Бугунги ёшларга ҳар қанча ҳавас қилсанг арзийди. Қайси соҳанинг этагини маҳкам тутса, иқтидорини юзага чиқариш имконияти бор. Айниқса, инсон маънавий камолотида катта ўрин тутувчи санъат, мусиқага муносабат—эътибор ёшларда юқори. Давлатимиз эса истеъдодли ёшларга оталарча ғамхўрлик қилиб, қўллаб-қувватлаб келмоқда. Болалар мусиқа ва санъат мактаблари фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича 2016–2020 йилларга мўлжалланган Давлат дастури қабул қилиниб, ундаги вазифалар босқичма-босқич амалга оширилаётир. Ўтказилаётган нуфузли танловлар йилдан-йилга янги-янги истеъдодларни юзага чиқаришга хизмат қилаётир.

Соз сеҳрига ошуфта қиз

Шолазиз Шохидоев фотоси

Шу йил Зулфия номидаги Давлат мукофотига муносиб кўрилган 28 нафар қиз орасида Р. Глиер номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи 9-синф ўқувчиси Дилноза Асадова ҳам бор. Отаси Жовли Асадов бир пайтлар тўрт ёшли қизалоғининг мусиқага бўлган иштиёқини кўриб, унинг иқтидорини юзага чиқаришни истаган ва шунга яраша шароит ҳозирлаб берган.

— Қизимни олти ёшида лицейнинг биринчи синфига — камонли-торли бўлимига қабул қилишганда, ғоят севинган эдим, — дейди у. — Ўзим орзу қилиб, эришолмаган ютуқларга болаларим эришсин, деб ният қилгандим. Раҳматли акам Исматилла Асадов актёр эди, анча йил Муқимий театрида ишлаган. Фарзандларимга шуларнинг йўлини бersину юзимни ёруғ қилсин, дегандим. Шу йиллар орасида боланинг иқтидорини юзага чиқариш биргина ўқитувчининг эмас, ота-онага ҳам боғлиқ эканини англадим. Дилноза учун аввалига фортепиано сотиб олдик. Лицейда ўқиш бошлагач, у виолончелга қизиқиб қолди. Сўнг ушбу создан ҳам олиб бердим. Худога шукр, 14 ёшигача кўплаб халқаро танловларда қатнашди, ғолиб бўлди. Бу устозларининг ҳам машаққатли меҳнати мевасидир. Муҳими, у тўхтаб қолгани йўқ, фортепиано ва анъанавий ижрочилик йўналишида ҳам профессионал дарс олиб келяпти...

Дилнозанинг виолончелга меҳри ўзгача. Қолаверса, унинг ҳаракатлари, бўйбастию бармоқлари ҳам ушбу созга мос келади. У айни пайтга қадар устози Дилором Ботирова ёрдамида ўзбек ва чет эл композиторларининг элликдан ортиқ асарини ўрганди. Мухтор Ашрафийнинг "Сўзсиз қўшиқ", Комил Кенжаевнинг "Алла", халқ куйларидан — "Чаман ялла", "Шодлик рақси", чет эл композиторларидан — Давид Копперинг "Тарантелла", Аҳмед Жубановнинг "Романс" асарларини катта завқ билан ижро этади.

— Орзу тинимсиз меҳнат билангина юзага чиқиши мумкин. Дилноза меҳнатдан қочмайдиган ўқувчи бўлгани боис ҳам кўплаб ютуқларга эришиб келяпти, — дейди устози Д. Ботирова. — Виолончель мураккаб чолғу асбоби, унда хоҳ ўзбек, хоҳ хориж мусиқаси бўлсин, бир хилда сабот билан машқ қилиш талаб этилади...

Лочин ўз полапонини парвозга ўргатиш учун тумшуғи билан унинг кўксини тинимсиз чўқилаб тураркан. Шунда, полапон беихтиёр қанотларини қоқиб, учишга шайланар экан. Дилором опанинг тўққиз йиллик меҳнати самараси ва сўзларидан сезилиб турган қаттиққўллиги лочиннинг шиддати-ю ғамхўрлигини эслатади. Қолаверса, ўсмирда устози айтган сабот бор эканки, кўплаб халқаро танловларда тилга тушди. Яқинда пойтахтимизда республика мусиқа мактаблари ўртасида ўтказилган очиқ танловда ҳам 1-ўринни эгаллади. Унинг диплом ва сертификатларини санаб ўтиришнинг имкони йўқ, фақат бир неча танлов номини келтиришни лозим топдик. 2013 йилда Санкт-Петербург шаҳрида ўтказилган "Серебряный камертон", 2016 йилда Қозоғистоннинг Чимкент шаҳрида ташкил этилган "Дарын — 2016", 2017 йилда Олма-отада ўтказилган Аҳмед Жубанов номидаги халқаро танловларда 1-ўрин, 2017 йилда Илёс Иброҳимов номидаги виолончель ва контрабас йўналишлари бўйича Тошкентда ўтган танловда Гранпри соҳиби бўлган.

— Виолончелнинг асли номи "Виолодогамба". Ўн олтинчи асрда Италияда яратилган, — дейди сеҳрли бармоқлар эгаси — Дилноза. — Ўша пайтда бешта тори бўлиб, шпили бўлмаган. Кейинчалик янгича кўринишда ясалган. Яъни ҳозиргидек тўртта тор ва шпиль киритилгач, номи ҳам ўзгарган. Мана шу соз ҳаётимнинг бир бўлагига айланди. Зулфияхоним қизлари қаторидан ўрин олишимга сабаб бўлди. Бу улуғ мукофот менга куч, илҳом, шу билан бирга, янада катта масъулият берди.

Дилноза сингари истеъдодли ёшларнинг кўпайиши нафақат яқинлари ва устозлари, балки Ватанимиз учун ҳам фахр-ифтихордир.

Х. АҲМАДЖОНОВА.

Иқтисод

Халқаро рейтинг агентликлари муайян мамлакатнинг иқтисодий аҳволи ҳақида кўрсаткичларни шакллантираётганда, албатта молия тизимининг барқарорлиги, солиқ тизимининг шаффофлиги, миллий валютанинг эркин конвертациясини ўрганади. Айни хулосалардан кейин хорижий инвесторлар қизиқиш билдириши мумкин бўлган манзара намоён бўлади. Хўш, мамлакатимизнинг халқаро молия майдонидаги рейтинги қандай?

Халқаро молия бозоридаги юксалиш

— Қисқа вақт ичида юртимизнинг молиявий рейтинги ошди, — дейди Ўзбекистон Молия вазирлиги халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бошқармаси бўлим бошлиғи Темур Малик Нарзиқулов. — 2012 йилда 190 мамлакат ичидан 166-ўринда турган бўлсак, 2019 йилнинг биринчи чораги бўйича рейтинг натижаларимиз 76- ўринда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида жадал амалга оширилаётган ислоҳотлар самарасида мамлакатимиз қисқа вақт ичида катта юксалиш йўлини босиб ўтди. Йирик халқаро кредит агентликлари ҳам мамлакатимиз эришаётган бундай натижаларни юксак баҳоламоқда.

Қайд этиш жоизки, жорий йилнинг бошида Ўзбекистон ўз тарихида биринчи марта 5 йиллик 500 миллион долларлик евробондларни 4,75 фоиздан, 10 йиллик 500 миллион долларлик евробондларни эса 5,375 фоиздан жойлаштирди. Оммавий ахборот воситаларида хабар берилганидек, қарз облигацияларини ёпиш муддати тегишинча 2024 ва 2029 йилларнинг февраль ойига белгиланган. Аввалига купонларнинг диапазони 5,625 — 5,75 фоиз ҳамда 6 фоиз миқдорида белгиланган эди, аммо уларга талабнинг юқорилиги сабабли Ўзбекистон фоиз ставкаларини қайта кўриб чиқиб, 4,75 фоиз ва 5,375 фоизгача туширди.

Облигацияларни харид қилиш учун тахминан 150 институционал инвесторлардан 3,8 миллиард долларлик таклиф келиб тушган. Бундай муваффақиятли қадам Ўзбекистоннинг давлат компаниялари, корпорациялари ва бошқа молия муассасалари томонидан келажакда еврооблигацияларни чиқариш учун базавий бенчмарк вазифасини ўтайди.

Молия вазирлиги раҳбарияти иштирокида яқинда ўтган матбуот анжуманининг асосий мавзуси ҳам Ўзбекистон облигациялар ишлаб чиқариши билан боғлиқ бўлди. Молия вазири ўринбосари Одилбек Исоқов облигациялар ишлаб чиқаришнинг афзалликлари ҳақида гапирар экан, шундай деди:

— Облигация чиқариш Ўзбекистонни жаҳон молия бозорларида танитиш ҳамда мамлакатимизнинг нуфузини янада оширишга хизмат қилади. Ҳукуматимиз томонидан чет эл инвесторларини Ўзбекистонга сармоя киритишга жалб этиш учун изчил ишлар олиб борилмоқда. Аммо хорижлик инвесторлар учун Ўзбекистон иқтисодиёти ҳақида очиқ манбаларда маълумотлар етарли эмас. Облигация чиқарилганда Ўзбекистон ҳақида эмиссия проспекти инвесторларга тақдим қилинади ва бу ҳужжат мамлакатимиз ҳақида кенг кўламда ва чуқур таҳлил этилган иқтисодий-молиявий кўрсаткичларни ўз ичига олади. Бундан ташқари, облигация учун муҳим бўлган суверен рейтинг орқали Ўзбекистоннинг кредит қобилияти тўғрисида дунё тан олган рейтинг агентликлари томонидан берилган мустақил баҳога эга бўладилар. Бунда маркетинг ҳам муҳим аҳамият касб этади. Йирик халқаро молия марказлари (Лондон, Нью Йорк, Бостон, Лос Анжелес, Сан Франциско, Хонг Конг, Сингапур) бўйлаб инвесторлар билан юқори даражадаги учрашувлар ёки "роудшоу" ҳам юзлаб инвесторларга Ўзбекистон ҳақида бевосита ва батафсил маълумотлар тақдим этиш имконини беради. Облигация катта ҳажмда ва чет эл валютасида маблағларни ўрта ва узоқ муддат билан (30 йилгача) жалб қилишга хизмат қилади. Масалан, Ўзбекистон каби суверен эмитентлар учун ҳар бир облигация ҳажми АҚШ доллари ҳисобида 500 миллион ва ундан юқори бўлиши мумкин. Бу маблағларни Ўзбекистонда исталган соҳадаги зарур лойиҳаларга йўналтириш мумкин.

Шу пайтгача Ўзбекистонга жалб этилган кредитларнинг асосий қисми халқаро молия институтлари ва бошқа расмий ташкилотлар зиммасига тўғри келган эди. Бундай кредитлар одатда имтиёзли ва паст фоиз ставкаларида берилади, аммо уларнинг ҳажми, ишлатиш йўналишлари ва муддати чекланган бўлиб, кўп ҳолларда давлатга қўшимча шарт ва мажбуриятлар юкланади. Облигацияларни эса юзлаб инвесторлар сотиб олади ва одатда, аксари хусусий сектор ҳисобланган инвесторлар бундай шарт ва мажбуриятлар қўймайди. Облигация корхоналарда корпоратив бошқарувни жаҳон даражасига олиб чиқишга ва кўплаб соҳаларга тўғридан-тўғри инвестициялар жалб этишга ижобий таъсир этади.

Феруза ЗОИРОВА.

Инсон — азиз

Инсон умрининг зийнати — ҳикмат. Шу боис у ҳаёти давомида ҳикмат излаб яшайди. Халқ ибораси билан айтганда: «Ҳикмат – ибрат учун пойдевор».

Эшмурод бобо ҳикматлари

Кимдир ҳалол меҳнати, касб-кори, кимдир илми, ижодий фаолияти, яна кимдир мустаҳкам имон-эътиқоди, букилмас иродаси, ибратли жасорати билан ўзига ҳикмат яратишга, яъни ҳаётда из қолдиришга интилади. Бундай ҳикматни бировлар топади, кимдир тополмай овора бўлади. Демак, умрини бекор ўтказади...

Ҳаётдан ҳикмат излаган фидоий инсонлардан бири Кармана туманидан Эшмурод бобо Ҳотамов бўлади. Бу меҳнаткаш деҳқонни, бағрикенг инсонни жалойирликлар яхши биладилар, ҳурмат қиладилар ва қадрлайдилар.

У киши ҳаёт лаззати ва неъматларини меҳнатдан топган. Эшмурод бобонинг қўлига кетмон олмаган, кетмон билан сирлашмаган, суҳбатлашмаган куни йўқ ҳисоб. Ишламаган кунини ўтган умри ҳисобига қўшмайди. У ҳар гал ўзи ювиб, тозалаб қўйган кетмонини завқ билан олиб, томорқага кириб, энг аввало ерга салом беради. «Бисмиллоҳ» деб кетмонни кўтаради. Кетмон Эшмурод бобонинг қўлида гўё қушдай учади, ерга меҳр билан ботади. Кетмон тафтида тупроқ ундай эланади. Етилган ҳароратли бағрини қадаладиган уруғга тайёрлайди. Ер гоҳ сабзи, гоҳ пиёз, гоҳ турп, гоҳ картошка, борингки, экиладиган сабзавот ва полиз экинлари уруғларини тезроқ бағрига олишни меҳр билан орзиқиб кутади гўё.

Ҳовлидаги томорқага бирор нарса эккан чоғида Эшмурод бобо юрак-юракдан хурсанд бўлади. У уруғни ерга меҳрини қўшиб қадайди.

Эшмурод бобо бу уруғлардан мўл-ҳосил олишни кутади, ердан ҳикмат ахтаради. Юраги ер меҳри билан тўлиб-тошиб кетганида ҳаёлидан шундай миннатдор ўйлар кечади: «Ҳў, она ерим! Ота-бобомдан қолган муқаддас тупроғим. Бобомни боққан, отамни едирган-ичирган сахий замин. Менинг ҳам ризқи насибам сендалигини биламан. Ҳали фарзандларим, набираларим ҳам сахий тупроқларингда етишадиган ширин-шакар ҳосилларингдан баҳраманд бўлишига ишонаман.

Сен Оллоҳимнинг биз одамларга ҳадя этган мангу саховатисан, риски-рўзисан. Сен бор экан, одамзот оч қолмайди, сен бор экансан, ҳаёт ҳамиша давом этади...»

Турмуш ўртоғи Ойсара биби Эшмурод бобони қачон уйида "йўқотиб" қўйса, албатта томорқадан топади. Қўни-қўшнилар, қишлоқдошлари ҳам қачон сўраб келмасин, бобони қадрдон томорқасида учратади. У киши баъзан кетмонга суяниб ҳордиқ чиқараётган бўлади. Баъзан ўзи экиб, вояга етказган дарахтлари билан «суҳбат» қуради. Нигоҳи ҳамиша ерда...

Бир гал Навоийга хизмат сафари билан борганимда, хонадоннинг яқин дўсти, шаҳрисабзлик тадбиркор укамиз Баҳриддин Ёқубов билан бобо ва бибини зиёрат қилгани Жалойирга бордик. Борсак, дарвоза берк. Тақиллатдик, ҳеч ким жавоб қилмади. Кейин ҳовлининг ён томонидаги пастгина эшикни итарган эдик, очилди. Ҳовлига кирсак, узун томорқанинг этагида Эшмурод бобо берилиб, ер чопаётган экан. Ёнларига бориб, қучоқлашиб кўришдик. У кишидан майин ва ёқимли сахий ер ҳиди келди, бебаҳо ҳид. Ерни севган одамнинг ҳиди ҳам тоза бўлади.

Эшмурод бобо болалиги, отаси ва ҳаёт ҳақидаги оддий қарашларини сўзлайди:

— Эрталаб Султонободнинг бозорига бордим. Яхши бозор. Худога шукр арзончилик. Бу бозорда деҳқон кўп. Маҳсулотлари мазали. Тез-тез Навоий, Кармана, Султонобод бозорларига бориб тураман. Биласизми, болалигимдан бозорга меҳрни отам уйғотган. Отамиз — ҳам зўр деҳқон бўлган. Раҳматлик жуда ҳалол инсон эди. Бировнинг бир тийинига хиёнат қилмай, бу дунёдан ўтиб кетди. Бизни ҳам ҳалол, тўғри ва имонлик қилиб тарбиялади. Отам «Бозорда бир-бирингизга хиёнат қилманг, хиёнат баракани учиради» ҳикматига амал қилиб яшадилар. Эсимни танигандан буён дастурхонимиздан ҳалол луқма аригани йўқ. Мен ҳам болаларимни шундай тарбияладим. Отам колхозда бригадир бўлган. Уруш йиллари Кемеровада шахтада ишлаган. Мени 1958 йилда уйлантириб қўйди. Бир ёнимда Ойсара янгангиз, бир ёнимда отамнинг 12 гектардан иборат звено ери ва қўлимда кетмон билан оила қувончу-ташвишлари бошланган. Шунга ҳам 60 йилдан ошди...

— Эшмурод бобо бир зум жим қолди. Пиёладаги кўкчойдан хўплаб, суҳбатни яна давом эттирди. — Асил касбим сув назоратчиси. Самарқанд гидрометериалогия техникумини сиртдан тугатиб, 1963 йилдан 1999 йилгача Кармана туман сув хўжалиги бошқармасининг «Қасоба» канали бўйича назоратчи вазифасида ишладим. Бўш вақтимда деҳқончилик қилардим. Етиштирилган маҳсулотларни отам Зарафшон, Учқудуқ шаҳарларига элтиб сотарди. Отам овора бўлиб юрмасин, деб юкни ерталаб «Нива» машинасида гоҳ Зарафшон, гоҳ Учқудуқ бозорига олиб бориб берардим. «Нива» бақувват машина, қанча юк боссангиз кўтаради. Чўл йўлига чиқиб олганидан сўнг, роса газни босардим. Машина жонивор ҳам кийикдай учарди....

Ёлғиз ўғил бўлган Эшмурод бобо билан Ойсара бибининг 8 нафар фарзанди бор. Қизлари — Ойниса, Муаззам, ўғиллари — Ҳасан-Ҳусан, Юсуфжон, Элдор, Ихтиёр, Сулфиддин. Улар турли касбларнинг эгалари.

Бу оилада ҳамма меҳнаткаш ва бир-бирига меҳрибон. Бекорчи йўқ. Мактабга бормасдан аввал меҳнат дарсларидан сабоқ олганлар.

— Тишимиз меҳнат билан чиққан, — дейди фарзандларидан бири шифокор Юсуфжон Ҳотамов. — Отам бизларни ерталаб соат бешда уйғотардилар. Мактабгача ишнинг бир қисмини бажариб, дарсга кетардик. Мактабдан келиб, қолганини. Меҳнат қилиб кам бўлганимиз йўқ. Меҳнат туфайли ҳаммамиз ўқиб, олий маълумот олдик. Бизларни меҳнатга ўргатган ота-онамиздан умрбод миннатдормиз. Ҳозир ҳам отамнинг қўлларидан кетмон тушмайди. Онам уйдагилардан кўп иш қилади. Чумолига тиним бору, у кишида тиним йўқ. Шундай меҳнаткаш, самимий, меҳрибон ота-онамиз борлигидан ниҳоятда фахрланамиз. Ҳар доим уларнинг дуоларини олиб юрамиз. Илоё, умрлари узоқ бўлсин!

— Табаррук отахон Эшмурод Ҳотамов хонадони биз, санъаткорлар учун ҳам қадрдон, — дейди фахр ва ифтихор билан Ўзбекистон халқ артисти Эркин Комилов. — Бу пиру-бадавлат оила билан танишувимизга Эшмурод отанинг ўғли — шифокор дўстимиз Юсуфжон сабабчи. Ҳамкасбларим Ўзбекистон халқ артистлари Ёқуб Аҳмедов, Ёдгор Саъдиевлар билан бир неча марта бу қутлуғ хонадонда меҳмон бўлганмиз. Эшмурод аканинг самимий суҳбатларини кўп тинглаганмиз. Ойсара опа ёпган иссиқ нонлар, жалойирча ширин патирларнинг таъми ҳали-хануз оғзимизда. Улар ҳам Тошкентга меҳмон бўлиб келганларида театримиз спектаклларини томоша қиладилар, ҳавас қилса арзийдиган жуда аҳил, меҳрибон оила. Эшмурод акадаги ғайрат-шижоатни кўриб, мен ҳам бир парча ер олиб, боғбон деҳқон бўлиб кетдим. Муборак ёшини нишонлаётган Эшмурод акага узоқ-умр, сиҳат-саломатлик тилаймиз. Ойсара опамизнинг ҳам умрлари узоқ бўлсин.

— Ҳозир Ўзбекистонда Президентимиз раҳбарлигида олиб борилаётган каттакатта ишларни, ўзгаришларни кўриб, ғайратим жўшиб кетади, — дейди Эшмурод бобо. — Менинг ҳам бирор бир ишга ёрдамим тегса қанийди? Баъзан телевизорда томорқасини қаровсиз аҳволга солиб қўйган одамларни, оилаларни кўриб асабим бузилади. Эссизгина, ер увол бўлиб ётибди. Бу ишёқмасликдан бошқа нарса эмас. Ернинг турган-битгани хазина-ку! Ер одамни тўйғазади. Рўзғор тўкин-сочин бўлади. Айрим одамлар меҳнатдан қочиб дангаса бўлиб бораяпти. Ишёқмаслик катта иллатга айланяпти. Ахир Президентимиз «Оддий одамларни бой қилсак, давлат ҳам бой бўлади», — деб тўғрисини айтяптилар-ку! Биз, ёшларни кўпроқ меҳнатсеварликка ўргатишимиз керак. Оёқ-қўли бутун одам ўз насибасини ўзи ишлаб ҳалол топиши керак. Шунда дастурхони тўкин-сочин, рўзғори бут бўлади. Айрим тоифа ишёқмас одамлар борки, ҳайҳотдай ҳовлиси, 5-10 сотих томорқаси бўла туриб, шаҳар дўконларидан, бозордан помидор, пиёз, картошка сотиб олади. Бундай дангасаларга ишла, десангиз, «касалман» дейди. Ишламаганидан сўнг касал бўладида. Меҳнат фақат қоринни тўйғазиб, бой қилмайди. Аксинча, меҳнат — қадр-қимматини билганлар учун бир умрлик роҳат-фароғат, соғлик учун беминнат шифо манбаи, сахий дастурхон, ёшлар учун беназир устоз, хуллас, меҳнат инсон умрининг зийнати. Камина, одам меҳнатдан қочмаслиги, аксинча меҳнат сари интилишини, севишини жуда-жуда истайман...

Бу ҳаётий хулосалар аслида ҳали-хануз қўлидан кетмонини қўймай, қайноқ меҳнат билан 80 ёшини қаршилаётган Эшмурод бобо Ҳотамовнинг қалбидан тўкилган ҳикматлар.

Умрингиз узоқ бўлсин, ҳикматгўй бобожон!

Ашурали ЖЎРАЕВ.

Козимжон Комилов:

“Энди матбуотсиз яшаб бўлмайди”

1 Шунингдек, суд органларининг муҳим вазифаларидан бири сифатида судлар фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш, фуқаролик жамияти институтлари, хусусан, оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликни янада ривожлантириш муҳим ўрин тутиши қайд этилди.

Сардор Ҳамроев фотолари

Бу борада судлар фаолиятини ёритиш ва аҳолининг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш бўйича Олий суд томонидан қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ошкораликни таъминлаш мақсадида барча судьялар белгиланган режа асосида брифинглар ўтказиб келмоқда. Лекин судьяларнинг аҳоли билан янада яқин мулоқотда бўлиши учун бу жуда кам.

— Айни пайтда мамлакатимизда 607 та суд фаолият кўрсатмоқда. Уларда ишлаётган судьялар фаолиятини ёритиш учун журналистларга катта имкониятлар яратиб бераяпмиз. Ўтган йиллар давомида суд соҳаси халқдан анча узоқлашди, ажралиб қолди, — деди Олий суд раиси К.Комилов. — Мисол учун, илгари Олий суд биносига матбуот ходими у ёқда турсин, адвокатнинг ҳам кириб-чиқиши анчайин қийин бўлган. Мен ҳамиша кўп таъкидлайманки, Президент сўзи бу — халқнинг сўзидир. Олий суд ва унинг барча тизимларида меҳнат қилаётган судьяларни аввало халқ таниши керак. Суд вакиллари халқ ичига кириб, уларнинг дард-у ташвишларидан воқиф бўлиши, чиқараётган ҳар бир қарор ёки ҳукмнинг адолатли бўлишини таъминлаши виждоний бурчига айланиши шарт. Шу боис Президентимиз топшириқлари билан 30 фоиз судлар сайёр суд шаклида маҳаллаларда ўтказиляпти. Бундан ташқари, «Менинг маҳаллам — менинг судьям» концепциясини жорий этдик. Унга кўра, судьялар маҳаллаларга бириктирилди. Энди судьялар ҳар бир маҳалланинг тинчлиги, жиноятларнинг олдини олиш учун масъулдир. Ойда камида бир маротаба ўз ҳудудига чиқиб, одамлар билан учрашаётир. Лекин маҳалла фаоллари судьялар билан ишлаш, жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган профилактик ишларни, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга хизмат қиладиган тадбирларни биргаликда ташкил этиш масалаларида ишлар ҳали анча суст.

Олий суд раисининг берган маълумотига кўра мамлакатимизда инсонпарварлик тамойилига биноан, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи, Хотин-қизлар қўмитаси ва Маҳалла фуқаролар йиғинларининг кафолат хатларига асосан ўтган йили 1197 нафар кишига, жорий йилнинг биринчи чораги давомида эса 424 нафар фуқарога қилган жинояти учун озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тури тайинланган. Аммо афсуски, бирорта оммавий ахборот воситасида ана шулар ҳақида тайинли мақола чоп этилмади.

Тадбирда матбуот вакилларидан бири томонидан берилган “Сизнингча, бугун судларнинг тўла адолатли, ҳаққонийлик мезони асосида иш юритишига халқимиз қай даражада ишонади?” деган саволига Олий Суд раиси қуйидагича жавоб қайтарди: — Ўтган йиллар давомидаги судлар тизимида йиғилиб қолган муаммоларни бирданига ўзгартириш осон бўлаётгани йўқ, аммо кейинги икки йил ичидаги суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар натижалари ҳам кўп нарсалардан воқиф этади. Масалан, биргина жорий йилнинг шу кунига қадар судлар томонидан икки юз ўн киши оқланди. Авваллари судларнинг оқлолмаганига сабаб нимада бўлган? Ўйлайманки, судларда кечаётган ўзгаришларни халқимиз кўриб, билиб турибди. Энг катта муаммоларимиздан бири бу одамларнинг ҳуқуқий онгини, ҳуқуқий маданият тушунчасини оширишимиз керак. Масалан, маъмурий судлар томонидан муҳокама этилаётган ҳуқуқбузарликлар эътибордан четда қоладиган бўлса, бу — жиноятга бир қадам дегани бўлади. Бу борада оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик биз учун жуда муҳим аҳамиятга эга. Энди матбуотсиз яшаб бўлмайди. Матбуотдан яширадиган сиримиз ҳам йўқ. Масаланинг яна бир томонига Олий суд раиси тўхталар экан, журналистларнинг судда иштирок этишига ҳеч қандай монелик йўқлигини, бироқ судга халақит бериш, суд ҳукми қонуний кучга кирмасдан уни таҳлил этиш, эълон қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ эканлигини эслатиб ўтди. Ахир, бу қонун талаби.

Таъкидланганидек, суд тизимида замонавий ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланиш яхши самаралар бераётир. Яъни айрим судлар онлайн тизимда ўтказиляпти. Албатта, суд жараёнларининг онлайн эфирга узатилиши икки томоннинг розилиги билан амалга оширилади. Бундан ташқари, видеоконференцалоқа режими ҳам йўлга қўйилди. Бу одамларнинг вақти ва маблағини тежашга хизмат қилмоқда.

Анжуманда журналистлар ва судларнинг ҳамкорликдаги муҳим вазифаси жамиятда аҳолини қонунларга ҳурмат билан қарашни ва уларга риоя этишга ўргатиш эканлиги қайд этилди.

— Суд-ҳуқуқ соҳасида ижод қилиб келаётган инсон сифатида шуни айтишим мумкинки, айрим ҳолларда журналистларимиз танқидий чиқишларида бир томонлама фикр юритиш ҳоллари учрайди, — дейди “Ўзбекистон овози” газетаси бош муҳаррири Сафар Остонов. — Шунинг учун журналистлар сўз масъулиятини чуқур ҳис қилган, мавзуни ҳар томонлама ўрганган ҳолда мақола ёзишса, мақсадга мувофиқ бўлади. Бугунги давра суҳбати бу борада сезилаётган кемтикликларни тўлдиришда фойдали мулоқот, деб ҳисоблаймиз. Ҳар чоракда бир маротаба суд раислари ва бош муҳаррирлар иштирокида шундай очиқ суҳбатларни ташкил этишни таклиф қиламан. Бундан ташқари, Олий суд судьяларнинг матбуотда чиқишлари режалаштирилса маъқул бўлар эди.

Тадбир жонли мулоқот тарзида кечди. Журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

Ўз мухбиримиз.

Эътиборни ҳис қилиш саодати

1 Бугунги кунда вилоятда йигирмадан ортиқ фахрий журналист яшайди. Уюшманинг вилоят бўлими томонидан белгиланган жадвал ва рўйхат асосида кекса, ногиронлиги бўлган ва имконияти чекланган журналистлар ҳолидан тизимли равишда хабар олиниб турибди.

Биринчи гуруҳ ногирони Нуриддин Турсунов журналистлар ижодий уюшмаси фаолларининг ўз хонадонига ташрифидан мамнунлигини яширмади. — Уюшмамизнинг бундай эътиборидан жуда мамнунман, — дейди Н.Турсунов. — Бир гал мени йўқлаб келган ҳамкасбларимга матнларни ўзбек тилидан рус тилига, рус тилидан ўзбек тилига таржима қилишим мумкинлигини айтган эдим. “Сирдарё ҳақиқати” газетаси раҳбариятига бу таклифим маъқул келибди. Бу мени бутунлай руҳлантириб юборди. Кимгадир кераклигингни ҳис этиш — катта бахт.

Абдужалол ҚАЮМОВ.

Оқсоқоллар сайлови қандай ёритилади?

Самарқанд вилояти Матбуот уйида фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ўтказиш масалаларига бағишланган брифинг ташкил этилди. Уни Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси вилоят бўлими раиси Ф.Тошев олиб борди.

Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси раиси Н.Раббимова жараён ҳақида маълумот берди. Қайд этилишича, бу йилги сайловда вилоят бўйича 1094 маҳаллага раис сайланади.

Айни пайтда маҳаллаларда тузилган ишчи гуруҳлари томонидан белгиланган ишлар амалга оширилмоқда. Барча маҳаллаларда раисликка номзодлар кўрсатилди. Ҳар бир ўринга ўртача уч номзод тўғри келмоқда. Шунингдек, сайловда иштирок этадиган 294 минг нафардан ортиқ вакиллар рўйхати шакллантирилиб, тасдиқланди.

Аҳолининг сайловдан хабардорлиги ва жараён ҳақидаги тушунчасини ошириш мақсадида кўмаклашувчи комиссия аъзолари, адлия бўлимлари ходимлари, депутатлар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирокида маҳалла фуқаролар йиғинларида учрашувлар ўтказилмоқда. Сайловни ташкил этиш бўйича видеоролик ишлаб чиқилиб, тарғибот тадбирларида ҳамда вилоят телерадиокомпанияси теле ва радио каналларида эфирга узатилмоқда.

Маҳаллалар фуқаролар йиғинларида сайлов жорий йилнинг 1 майидан бошланади.

Жобир ХЎЖАҚУЛОВ.

Қурувчи, ҳосилот, математика ўқитувчиси...

ёки Хоразмдаги айрим ташкилот ва идоралардаги “матбуот хизмат”ларида нега соҳага тааллуқли бўлмаган кишилар фаолият юритмоқда?

1 Ушбу хизматлар томонидан тақдим этилаётган хабар ва лавҳалар, кўрсатув ва эшиттиришлар ана шу минбарлар орқали аҳолига мунтазам етказилаяпти. Аксарият матбуот хизматлари видео ва аудио ёзув ускуналари, компьютер ва электрон алоқа воситалари билан етарлича таъминлангани ахборот йиғиш ва уни тарқатиш соҳасидаги ишларни тез ва сифатли амалга ошириш имконини бераяпти.

Иқтисодий жиноятларга қарши кураш департаментининг вилоят бошқармаси матбуот хизматининг тезкор ва таъсирчан саъй-ҳаракатлари, ҳатто кўпгина қонунбузарлик ва ҳуқуқбузарлик ҳолатларини жиловлаш омилига ҳам айланган, десак муболаға бўлмайди. Матбуот хизмати раҳбари Дилрабо Қурязова бу борада нафақат телевидение ва радио, балки газеталар таҳририятларининг ҳам “ўз одами” бўлиб қолган. Унинг қаламига мансуб “оҳори тўкилмаган” ахборот ҳамда таҳлилий битикларга мазкур минбарлар саҳифаларида деярли ҳар куни ва кунора дуч келасиз. Матбуотимиз жонкуяри таҳририятлар эшигини қоқмаган, қаламкашларни ҳамкорликка чорламаган кун йўқ ҳисоби. Қалам соҳибаси журналистиканинг зил-замбилдай оғир юкини аёл боши билан бемалол елкалаётганига ҳавас қиласан, киши. Унинг ишидан ҳатто мана-ман, деган катта ёшдаги тажрибали матбуот хизмати вакиллари, номи бору, лекин фаолиятидан нишон йўқ матбуот хизматлари ходимлари ҳам ўрнак олишса арзийди.

Ушбу матбуот хизмати ходимининг фаолияти борасидаги айни мисол ишлайман деганга иш ҳамиша бисёр эканидан далолат беради. Бу ҳақда ҳукмингизга ҳавола этилган бирмунча ғализ фикр-мулоҳазалар эса шу соҳага жалб этилганларнинг қониқарсиз фаолияти, бир ёқлама ва соҳа талабларидан узоқлашган ҳолдаги ҳаракатига берилган “баҳо” десак янглишмаймиз. Ҳа, шундай хизматлар ҳам бор ва, таъбир жоиз бўлса, сони тасаввуримиздагидан ҳам кўпроқ.

Бугун даврнинг зайли, нафаси ўзгача ва таҳририятларнинг куни ҳам, фаолияти ҳам матбуот хизматларидан холи ва айро тарзда кечмаслиги керак. Таҳририятлардаги моддий ва молиявий шароитлар боис кўпгина иш ўринлари бўшаб қолган, саҳифалар учун “мих” материаллар етишмаётган ҳозирги паллада ушбу бўшлиқни матбуот хизматлари томонидан тақдим этиладиган “масаллиқ”лар эвазига бемалол тўлдирса бўлади. Аммо...

Фикри ожизимизча, бундай алфоздаги ҳамкорликка таҳририятлар тайёр. Бироқ, матбуот хизматлари-чи?

Гапнинг лўндаси, бу йўсиндаги саволга дангал ва чайналмай жавоб беришдан кўпчилик ожиз ва юқорида айтганимиздек, “кунимиз уларсиз ҳам ўтаяпти” қабилидаги мулоҳаза ҳам ана шунинг оқибати эканини ачиниш туйғулари-ла қайд этамиз.

Яқинда ижодий ишимиз тақозосига кўра вилоятдаги нуфузли газеталардан бирининг бош муҳарририга сим қоқиб, таҳририятнинг суратқаши хизматига муҳтож бўлиб қолганимизни айтиб, ёрдам сўрадик. “У йигитимиз мана салкам бир йилдан буён вилоят ҳокимлигида матбуот хизмати раҳбари бўлиб ишлаяпти” деди, муҳаррир, бу масалада ёрдам беролмаслигини дастакларкан. Очиғи уялиб кетдим. Шу соҳада ишлайвериб, неча-неча тўнларни тўзитган эсакда, келиб-келиб, кимсан, вилоят ҳокимлиги матбуот хизматига ким мутасадди эканини билолмасак? Билолмаганимиз учун айб балким, ўзимиздадир? Ундан тонмаймиз. Бироқ, бундан анча фурсат олдин, ҳокимлик ҳузурида фаолият юритувчи ушбу хизмат ишидан кўнглимиз қолгани ҳам бор ҳақиқат. Ўшанда биз — қаламкашларни воқеа ва янгиликлар, режадаги зарур тадбирлардан барвақт хабардор қилиш, баъзи бир мавзулар бўйича тегишли тартибда маълумот бериш юзасидан қилинган мурожаатдан наф ҳам, натижа ҳам чиқмаган. Мурожаатга такроран ва ҳатто учинчи бора ҳам уннаганмиз. Ғишт шундан сўнггина “қолип”дан кўчган. Ундаям кўп минг сонли газетхонларимиз учун сариқ чақачалик ҳам аҳамияти қолмаган ва 3-4 йилнинг нарёғида қолиб кетган узуқ-юлуқ факт ва рақамларни қўл учида тақдим этиш билан кифояланишган. Шу аснода, воқеа ва янгиликлар, уюштирилган тадбир ва маросимлар, ҳатто кўпгина байрам-тантаналардан ҳам хийла четда қолиб кетганмиз. Охир-оқибатда, бюрократия ва сансалорлик ботқоғига чўккан, на иссиғи, на совуғи сезилмаган ушбу даргоҳдан бирор бир илинж ололмай юрганимиз аччиқ ҳақиқат. Энди ушбу хизматга бир неча йил муқаддам журналистликка ўқиб қайтган ёш сураткаш йигит мутасадди қилиб тайинланса, ҳеч нарса ўзгармабди. Давр ўзгарган эсада, матбуот хизмати даражаси ўша-ўша. Даврнинг янгича талабларига асосланган иш усуллари, услубларидан нишона йўқ. Бари эски тос, эски ҳаммом. Бу борада ўзимизни оқлаш ниятидан ҳолимиз, бироқ, орадан ўтган шунча вақт мобайнида, башарти дилида янгича ва замонавийчасига ишлаш иштиёқи чарх урганида, воқеалар оқимидан бехабар қолган биз каби “оми мухбирлар” олдида янги (узр, энди йилдан ошганми, янгиям деб бўлмайди), вилоят ҳокимлиги матбуот хизмати раҳбари бирров кўриниш бермасмиди? Бундай вазиятда қаламкашлар даврасидан ўзини четга олган матбуот мутасаддисига кейинги йиллар ичида юртимизда “Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”, шунингдек, жамоатчилик фикрини ўрганишга доир қатор қонунлар қабул қилингани, ОАВлар фаолиятини тартибга солиш, журналистнинг касбий фаолияти ва ахборот олишга бўлган ҳуқуқ ҳамда ваколатларини кафолатлашга доир бир қанча юридик ҳужжатлар мавжуд эканлигини эслатишдан ҳам наф йўқ. Уддалаш, талаб ва тақозоларини бажо келтиришни хоҳламаган кишига қонунни эслатишдан на фойда?

Шу орада айрим ҳолатлардан хабар ҳам топдик. Маълум бўлишича, мазкур ва бошқа бир қатор идора ва ташкилотлар ҳузуридаги матбуот хизматлари юртимиздаги юзларча нуфузли газета ва журналлар билан ҳамкорликни бир чеккага йиғиштириб қўйган кўйи вилоят ва Республика миқёсидаги атиги 2 та телевидение ва 2 та газета таҳририятларинигина воқеалар оқимидан хабардор қилишар, мутасадди ўзгаларни, ўзгалар эса ўша мутасаддини тан олишмас экан. Шу аснода мамлакатимиздаги бир қанча нуфузли нашрларнинг вилоятдаги мухбир ва мухбирлик пунктлари айрим матбуот хизматлари учун бегона ёки номатлуб шахс қиёфасида намоён бўлишаётганига нима дейсиз? Мана неча йилдирки, вилоятда қаламкашлар билан юзма-юз мулоқотлар, матбуот анжуманларини мунтазам ва режали асосда уюштириш иши издан чиққанча қолиб кетаяпти. Хусусан, фаолияти ҳар доим омма назарида турган ижтимоий соҳалар, маҳаллий давлат ҳокимияти, бошқарув, назорат органлари, чунончи, вилоят халқ таълими, соғлиқни сақлаш, бандлик бошқармалари, пенсия жамғармаси, банк, молия, солиқ идоралари, ер тузиш, кадастр, шаҳарсозлик ва архитектура маҳкамалари, ҳокимлар, уларнинг муовинлари билан қаламкашлар ўртасидаги анъанавий учрашув ва мулоқотлар охирги бор қачон ўтганини эслашдан ожизмиз. Наҳотки, матбуотчилигимиз удумлари, амалдаги тартиб-қоидалар, ҳатто қонунчилигимиз тақозо этган бу ишни ҳокимлик матбуот хизмати ўз вазифалари сирасидан санай олмаса? Таассуф. Кўпгина ҳамкасбларимиз айнан шу алфоздаги “ўгай” муносабатдан безгани боис ўзларини “узлатга” олишган. Вилоятдаги деярли барча тадбир-у маросим, йиғин-у анжуманлар уларсиз ўтади.

Хўш, ҳамкорликнинг бу янглиғ ачинарли ҳолатидан ким наф кўради? Саволнинг жавоби матбуотимизнинг ана ўша ўзи хон-у, кўланкаси майдон “дўстлари”га ҳавола.

Албатта, матбуот хизмати ходими аслида чинакам ижод соҳаси вакили бўлиши керак. Лекин, ҳукмингизга ҳавола этилган ҳолатлар шу соҳанинг аксарият ходимлари ижод аталмиш мўътабар даргоҳдан ҳали хийла узоқда эканини далиллайди. Уқувсизлик, онг, фикр ва тафаккур, ижодий иқтидор танқислиги – журналистиканинг етти ёт душмани. Вилоятдаги манаман, деган ҳуқуқ тартибот маҳкамаларидан бирида матбуот хизматини бошқараётган “ҳамкасб”имиздан мамлакатимизнинг энг катта ва нуфузли ҳуқуқий нашрлар номини сўрадик. Айтиб беролмади. “Ахир биронта газета ёхуд журналга мақола битганмисиз, ўзи?” Саволимиз бежавоб қолди. Касб-корини суриштирдик: муҳандис экан. Матбуот хизмати ходими, шу жабҳада ишлаб, кўникма ҳосил қилиш нарёқда турсин, ҳатто газетчиликнинг оддийгина юмушларидан ҳам мутлақо бехабар бўлиб чиқди. Тани бошқа, дард билмас, дейишгани шу-да. Дарвоқе, матбуот хизматининг бундай “валломат соҳиб”лари сони вилоятда қанча? Маълумотларга қараганда, ҳудуднинг йирик идора ва ташкилотлари қошида жами 40 га яқин матбуот хизматлари ташкил этилган. Уларда 40 дан зиёд ходим маошини ойма-ой қуртдай санаб олади. Мутасаддилар сафида қурувчи, ҳосилот, ҳуқуқшунос, иқтисодчи, математика муаллими, дейсизми, барига рўпара келасиз. Муқаддам матбуот соҳасида ақалли бир кун бўлса-да ишлаганлар — анқонинг уруғи. Ҳатто, бу жабҳада бор-йўғи ўрта маълумотга эга бўлганлар ҳам йўлингизни кесиб чиқади. Қанийди, уларнинг дилида ижод, мақола ёхуд оддийгина хабар битишга жиндаккина эса-да укув, ҳафсала, ихлос-эътиқод бўлса? Шу аснода дахлдорлар сафидан қаламкашларни ҳам изладик. Хайрият, журналистика соҳасида етарлича маълумотга эга бўлганлар ҳам топилди. Улар ўша 40 нафар ходимнинг атиги 6 нафарини ташкил этди.

Вилоятнинг йирик маҳкамалари, чунончи, Божхона бошқармаси, айрим сиёсий партиялар, Тиббиёт академиясининг Урганч филиали, Урганч давлат университети, Мажбурий ижро бюросининг вилоят бошқармаси, Халқ таълими бошқармаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, вилоят Туризмни ривожлантириш департаменти каби қатор идора ва ташкилотлар ҳузуридаги матбуот хизматлари фаолияти сезилганича йўқ. Ушбу хизматларнинг қаламкашлик фарзини зиммасига олган мутасаддилари ижодига мансуб ўткир, таъсирчан, қизиқарли ва долзарб мавзулардаги чуқур мазмунли, салмоқли таҳлилий мақолалар газета ва журналларимиз саҳифаларида учраши мушкул. Албатта, омманинг бугунги ҳаётини телевидениесиз тасаввур этолмаймиз. У турмушимизнинг бир бўлагига айланган ва “ойнаи жаҳон”сиз ўтган куннинг мазмуни йўқдек, гўё. Шу сабабдан бўлса керак, кўпгина идоралар ижодий ҳамкорликни телевидение билан амалга оширишга ҳаракат қилишади. Бу яхши, албатта. Бироқ, газеталаримиз “ойнаи жаҳон”нинг ўрнини босолмаганидек, телевидение ҳам ушбу оммавий минбарга тенг келолмайди. Ҳукмингизга ҳавола этилганидек, бири тасвир воситасида одамлар қалбига ҳордиқ ва кўтаринки кайфият бағишласа, иккинчиси, асосан ахборот тарқатиш, кенг кўламли тарғибот-ташвиқот тадбирларини амалга ошириш, ҳаётий тажрибаларни кенг ёйиш каби юмушларни ўз зиммасига олади. Бундан чиқди, тасвир “ойнаи жаҳон” учун бирламчи, газета ва журналлар учун эса иккиламчи восита ҳисобланади. Лекин,шуни ҳам эътироф этмоқ ўрники, электрон ва компьютер алоқа тизимининг жадал ривожи телевидениега ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш ва тарқатиш соҳасида янгидан-янги имконларни тақдим этаяпти.

Матбуот ҳаётнинггина эмас, балки кўнгилнинг ҳам ойнасидир. Жамият эса усиз нафас ололмайди.

Ўйлаймизки, бу ҳақиқатни маърифатли Хоразм элида ҳам яхши англаган ҳолда, матбуот хизматлари фаолиятини айни дамдагидан кўра яхшилашга “бел боғлаш”нинг фурсати етди.

Абдулла СОБИРОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист, “Олтин қалам” Миллий мукофоти соҳиби.

Хотира

Устоз Муҳаммад Юсуф.

Менинг севимли шоирим. Деярли барча шеърларини ёддан биламан. У билан илк танишувим, биринчи учрашувим сира ёдимдан чиқмайди. Шу кунларда, хизмат сафари билан Андижонга келиб, Устоз номидаги ижод мактаби фаолияти билан танишиб юрибману ўша унутилмас кунлар, ҳаяжонли дақиқалар бот-бот хаёлимга келади. Яхши эслайман: Муҳаммад Юсуф билан танишувимга устоз шоиримиз Сирожиддин Саййид сабаб бўлган эди...

“Қайда юрсам ёди меҳринг овунч бўлди”

1997 йил. Тошкент Давлат университети (ҳозирги ЎЗМУ)нинг журналистика факультети 4-босқич талабасиман. Жўшқин, ўт-олов, аудитория, ётоқхоналарни тўлдириб шеърлар айтиб юрган даврларимиз. Устозлардан тортиб тенгқур дўстларимизнинг газета-журналларда эълон қилинган шеъригача назаримиздан четда қолмайди. Улар хусусида баҳсу мунозаралар қилиб, тунни тонгларга улаймиз. Шеър биз учун ҳамма нарса, у муҳаббат, у омад, у бахт-иқбол, у истиқбол. Муҳаббат ёшидамиз, қалбимиз энг покиза, энг муқаддас туйғулар туғёни билан энтикади. Улар шеърий инжулар бўлиб оппоқ қоғозларга тўкилади. Гоҳида кўнглимиз тўлади, гоҳида... Шунда устозлар бисотига мурожаат қиламиз. Улардаги бетакрор сатрлар ёрдамида дил изҳорларимизни эгасига етказишга интиламиз. Эҳ, қандай яхши эди ҳаммаси! Пушкин тўғри айтган: ўтган дамлар ҳамиша тотли!..

Ўшанда уч-тўртта шеърим матбуотда кўриниб, “университет шоирлари” сафига кириб улгурган эканман шекилли, устозларнинг маслаҳати-ю кўмаги билан биринчи китобим ҳам чиқди.

Ўшанда «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг назм ва наср бўлимида хизмат қиладиган Сирожиддин Саййид бир-икки туркум шеърларимни газетада эълон қилдирган эди. Янги китобимни қувона-қувона у кишига ҳам олиб бордим. Сирожиддин ака бу янгиликдан хурсанд бўлиб, мени табриклади. Ёнингда яна китоб борми, деди кейин. Бор дедим. Унда Муҳаммад Юсуфга ҳам бергин. Ҳозир у Ёзувчилар уюшмаси раисининг ёшлар билан ишлаш бўйича ўринбосари. Китобингни бергин, ёшларни жуда яхши кўради, деди.

Ёзувчилар уюшмасига борсам, Муҳаммад ака бир гуруҳ ижодкорлар билан бино эшиги олдида суҳбатлашиб турган экан. “Китобим чиққан эди. Шуни олиб келгандим”, дедим тортиниб. “Э, табриклайман. Қани бер бўлмаса”. Китобни қўлига олди-да, “Ие, ичига ҳеч нарса ёзмабсан-ку? Нима, ёзиб бермайсанми?!” деди.

“Нима деб ёзишни билмадим, узр, устоз”, дедим. “Нима ёзгинг келса ёзиб беравер”, деди жайдари бир йўсинда. Нималардир, деб шоша-пиша ёздим-да, китобни у кишига тақдим этдим. “Ҳа, бу бошқа гап”. У шундай деди-да, китобни очиб, дуч келган биринчи шеърни овоз чиқариб ўқиди:

Ўн саккиз ёшингда ўн саккиз мингта
Оламлар эргашди сенга, Гул санам.
Ўн саккиз ёшимда ўн саккиз мингта
Аламлар эргашди менга, Гул санам...

— Зўр! Жуда зўр! — деди. — Хўп, китоб учун раҳмат. Тез-тез келиб тургин. Газета, журналларга қатнашиб туришни канда қилмагин.

Муҳаммад акадаги бағри кенглик, олижаноблик, шогирдпарварлик каби фазилатлар ҳаммада ҳам учрайвермаслигини кейинчалик англаб етдим.

Ўша учрашувдан сўнг Муҳаммад ака билан кўп ҳамсуҳбат бўлдим. У қайси даврага кирса, ҳаммани ўзига қаратиб оларди. Ўқиган шеърлари маҳлиё этарди, қўярди. Кўп йиллар Ўзбекистон радиосида ишладим. Ўша кезлари ҳам Муҳаммад акадан кўп интервьюлар олганман. Надоматки, ўша суҳбатларни асраб қўймаган эканман.

Айримлар баъзида Муҳаммад акани содда ёзишда айблагандай бўлади. Ҳа, у ростдан ҳам, ҳамманинг шундоққина тилининг учида турган, ўйлаб юрган, кўнглини безовта қилган туйғу ва кечинмаларни қоғозга туширган. Бу — буюклик соддаликдадир, деган ҳикматнинг исботи эмасми?

“Муҳаммад Юсуф деган шоир шеъриятга қандай кириб келганини адабиётимиз сезмай ҳам қолди, — деб ёзган эди Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддинов. — Аммо у тезда, ҳаммани ҳайрон қолдириб, оғизга тушиб кетди. Унинг ижоди ҳақида гап кетганда, кўпинча қўшиқларини тилга оладилар. У қўшиқ ёзган ҳам, ўзини қўшиқчи шоир ҳисоблаган ҳам эмас. Унинг ёзганлари ниҳоятда долзарб мавзуда, ўта жиддий, аммо халқ дилига жуда яқин ва равон тилда ёзилган. Шунинг учунми, ҳофизлар уларни қўшиққа солиб юбордилар. Бу қўшиқлар қўшиқчиликни ҳам баланд поғоналарга олиб чиқди. Қанча-қанча ҳофизларни элга танитди. Муҳаммад Юсуф қўшиқлари билан эмас, аввало халқ дардини баралла айтган, юрт муҳаббатини ҳеч кимга ўхшамаган мисраларда таърифлаган шеърлари билан танилди, шуҳрат қозонди. Муҳаммаднинг шеърлари бир қарашда жуда содда, жўн ёзилганга ўхшаб туюлади. Аммо унга ўхшатиб ёзиб кўринг-чи? Қўлингиздан келмайди! Унинг осон ёзиладиганга ўхшаб кўринган мисралари мухлисларни ёғлатади, қулдиради, ўз оғушига тортиб олади. Одамлар унинг шеърларини ҳаяжонсиз ўқимайдиган, китобларини дўконлардан қидириб юрадиган бўлдилар”.

Рост. Мана бу сатрларга ҳам диққат қилинг:

Шаҳарда сиренлар гуллайди, синглим,
Ва яна қандайдир акациялар.
Бедазорними-ей, қўмсайди кўнглим,
Бировга айтишга одам уялар.

Қандай дилбар сатрлар! Кўнглингизни соғинч деган иссиқ-қина туйғу ўртаб юбормадими. Қанчадан буён синглингиздан хабар олмадингиз. Ишларга кўмилиб, улар билан анчадан буён гаплашмабсизми. Яхшиям иш деган баҳона бор. Йўқса, қандай қилиб ўзингизни оқлар эдингиз. Бу тизмалар қалбу шуурингизга энг олижаноб кечинмаларни ҳадя этади. Синглингизни соғинасиз. Кейин ўзингизни ўртайдиган ҳоллар ёдингизга тушади. Шаҳар жуда гўзал. Кўчалари ҳам, баланд-баланд бинолари ҳам, дарахтлари ҳам, гулу гулзорлари ҳам. Аммо сизни бошқа бир нарса безовта этади. Буларнинг ҳеч бири табиий эмас. Дилингиз ўша болалигингиз ўтган манзилларни, бедазорларни қўмсаб қолади. Ахир, табиийликка, нима етсин. Шоир ўша соф табиатни соғинмоқда. Сизни ҳам шу бетимсол гўзалликка, Аллоҳ яратган борлиқ сари назар ташлашга ундамоқда.

Бу оламда энг азиз ва муҳтарам зот албатта ота-она. Ҳар бир шоирнинг ижодида бу азиз зотларга бағишловлар бўлиши табиий ҳол. Муҳаммад Юсуф шеърларида ҳам мавзуга алоҳида эътибор қаратилган деб айта оламиз. Устоз шоир Миртемир йўлида ёзилган мана бу мисралар киши қалбини тўлқинлантириб юборади:

Шоирлик мен учун асло орзумас,
Шу ҳам иш бўлдими йигит бошимга.
Ҳамма шоир зотин йиғса — арзимас
Онамни соғиниб тўккан ёшимга.

Муҳаммад Юсуф чин маънода Ватан, халқ ва истиқлол куйчисидир. Истиқлол, Ватан, халқ ҳақида рост ёзди. Ҳеч нарсани таъма этмай, муҳаббат билан ёзди. Шу улуғ Ватанни, шу меҳрибон ва хокисор халқни севиб ёзди.

Мен дунёни нима қилдим,
Ўзинг ёруғ жаҳоним,
Ўзим хоқон,
Ўзим султон,
Сен тахти Сулаймоним,
Ёлғизим,
Ягонам дейми,
Топинган кошонам дейми,
Ўзинг менинг улуғлардан
Улуғимсан, Ватаним...

(“Улуғимсан, Ватаним”)

Қушдай учиб қучоғингдан дунё кездим,
Кезиб-кезиб топганларим соғинч бўлди.
Қанча олис кетсам шунча қадринг сездим,
Қайда юрсам ёди меҳринг овунч бўлди.
Айланайин қаро қошу кўзингдан-а,
Ўзингдан қўймасин, халқим, ўзингдан-а.
(“Ўзингдан қўймасин, халқим”).

Ватанини улуғимсан деб бошига кўтарган шоирини Ватан ҳам эъзозлади. Халқим деб юрак қони билан ёзган шеърларини халқ ҳам ўз юрагига жойлади. Шоир халқини севди. Халқи — уни. Ватан мангудир. Халқ ўлмайди. Демак, шоир шеърияти ҳам яшайди. Улуғ шоир Абдулла Орипов Муҳаммад Юсуф ҳақида шундай сўзларни айтганлар: *“Чинакам шоирнинг қалбида соҳир қуш доимо сайраб туради, деган гапни кўп бора эшитгандик. Ўша қуш айнан Муҳаммаджоннинг юрагида ошиён қурганига мен астойдил ишонганман. Унинг кўзлари ҳам, чеҳраси ҳам ҳамиша латиф бир куйни хониш қилгандай эди. Мен Муҳаммаджон билан узоқ йиллар мобайнида ёнма-ён яшадим, ёнма-ён ишладим. Ҳали ёшлик йилларидаёқ бунчалик кўп мухлис орттирган, дўст-оғайниси бисёр ижодкорни кам кўрганман. Санъаткорлар-ку, унинг ҳар бир мисрасини созга олишга тайёр эдилар. Буларнинг сабаби нимада? Биринчи навбатда Муҳаммаджон яхши инсон эди. Яхши инсонларга бошқалар ҳамиша талпинадилар. Одамдан одам узоқлашишини Худойим ҳеч кимга кўрсатмасин. У обрў талашмас, иззатини сўроқлаб юришдан ор қиларди. Худди шундоқ яхши инсонгина яхши ижодкор бўлиши табиий ва қонунийдир. Шу каби юксак фазилатлари туфайли Муҳаммад Юсуфни халқимиз ардоқлади”.*

Ҳа, Муҳаммад Юсуфни халқимиз ҳам, давлатимиз ҳам ардоқламоқда. Андижонда шоир номидаги ижод мактабининг бунёд этилишида ҳам унинг эл-юртимизга беқиёс хизматлари мужассам. Ишонч билан айтиш мумкинки, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида ташкил этилган мазкур мактаб келажакда Ватанимизга Муҳаммад Юсуфдек халқпарвар, миллатпарвар ижодкорларни етказиб беради.

Ғайрат МАЖИД.

Ҳуқуқ

Шу кунларда ижтимоий тармоқларда янги қабул қилинган йўл ҳаракати қоидалари қизғин баҳс-мунозараларга сабаб бўлаётир. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 апрелдаги “Йўл ҳаракати қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қарорида нималар назарда тутилган?

Кундузи чироқ ёқиш шартми?

Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ЙҲҲБ томонидан ташкил этилган матбуот анжуманида батафсил маълумот берилди.

Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси матбуот хизмати бошлиғи Акмал Юнусовнинг айтишича, сўнгги икки йилда мазкур йўналишда ўнга яқин ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинган. Албатта, буларнинг барчаси содир этилаётган қоидабузарликлар таҳлили, хорижий тажриба ва амалиётдан келиб чиқиб ишлаб чиқилмоқда ва мунтазам такомиллаштирилмоқда. Айни пайтда ижтимоий тармоқларда муҳокамаларга сабаб бўлаётган янгилик — кундузи автотранспорт чироқларини ёқиб юриш масалаларига бориб тақалади. Бу тажриба ривожланган давлатларда бор ва жорий этилаётган янги тартиб йўл-транспорт ҳодисалари содир этилишининг олдини олишга хизмат қилади. Мисол учун, шундай қоида жорий этилган давлатларда йўл транспорт ҳодисалари сони 15 фоизгача камайиши кузатилган. Юртимизда 2016 йил 1 мартдан автобус ва микроавтобуслар, йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланувчи транспорт воситаларига кундузи яқинни ёритувчи чироқларни ёқиб юриш амалиёти белгиланган эди. Автотранспортнинг чироғи ёниқ бўлса, ҳайдовчилар ҳам, пиёда ҳам уни узоқдан илғайди ва ҳушёр тортади. Пиёдалар кўчадан ўтаётганда, айниқса, қулоқчин тақиб олган бўлса, яқинлашиб келаётган машинани сезмаслиги мумкин. Агар унинг чироқлари ёниқ бўлса, жилла қурса, шунга кўзи тушади.

Тадбирда “Хуррият” газетаси мухбирининг саволи ҳам кўпчиликни ўйлантираётган масалада бўлди. Пойтахтимизнинг кўпгина, жумладан, марказий кўчаларда автомобиллар тўхташига тақиқ қўйилган белгилар ҳаддан зиёд кўп. Ҳатто 10 км.гача йўл юриб ҳам тўхташ учун “ижозат” берилган белгини учратмайсиз. Айниқса, бозорлар ҳудудида автотранспортни қантариб қўядиган жойлар жуда йиркоқда. Бундай ноқулайликдан кимлар манфаатдор?

Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси йўл ҳаракати бошқармаси бўлим бошлиғи Баҳодир Мусаназаров бундай ҳақли эътирозларга барҳам бериш учун марказий ва гавжум кўчаларда имкони борича тўхташ мумкин белгиларни кўпайтиришга ҳаракат қилинаётганини таъкидлади. Жумладан, Матбуотчилар кўчасида ушбу амалиёт қўлланди. Айни кунларда Навоий кўчасидаги тўхташни таъқиқловчи белгилар камайтирилаётир. Бозорлар ҳудудидаги тирбандликнинг олдини олиш мақсадида автотураргоҳлар кенгайтирилиб, янгилари очилмоқда. Шунга қарамай, баъзи ҳайдовчилар мавжуд автотураргоҳлардан фойдаланмай, кўчанинг юзига машинасини қўйиб кетадики, бу ҳам инсофдан эмас. Зеро, бозор-ўчар тез битадиган иш эмас. “Универсам”, “Чорсу”, “Бек барака” бозорлари автотураргоҳларида мингдан уч мингтагача автомобилни қўйиш учун шароит бор.

Анжуманда, шунингдек, “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 1-иловасига киритилган қўшимча йўл белгилари ҳақида ҳам айтиб ўтилди.

Шулардан бири — “Қизил чироқда ўнгга ҳаракатланиш” тартибидир. Янги қоидага кўра, автотранспорт светофор қизил чироғининг ўнг ёнига 5.42 йўл белгиси ўрнатилган бўлса, транспорт воситаларининг ҳайдовчилари светофорнинг таъқиқловчи ишораси ёниб турганда, барча хавфсизлик чораларини кўрган ҳолда, ўнгга бурилиши мумкин. Бунда улар ҳаракат йўналиши бўйича ва бурилаётган кўчани кесиб ўтаётган пиёдаларга ҳамда бошқа транспорт воситаларига йўл беришлари шарт.

Тошкент, Фарғона ва Жиззах вилоятларида ушбу қоида синов тариқасида тажрибадан ўтказилди. Натижа ижобий.

Йўл ҳаракати билан боғлиқ янги қоида ва тартиблар жорий йилнинг 10 майдан кучга киради.

Феруза БЕРДИЕВА,
“Hurriyat” мухбири.

Дунёда нима гап?

Фуқаролик ҳақидаги баҳс

РИА “Новости” хабарига кўра, Россия президенти Владимир Путин “Меҳнат Қаҳрамони” медалларини топшириш маросимида россияликлар ва украиналиклар учун умумий фуқаролик бўлиши лозимлиги ва бу фақат фойда келтиришини айтди.

“Украинлар ва руслар биродар халқлардир. Менимча, иккиси ҳам бир миллат вакиллари. Агар умумий фуқаролик жорий этилса, бундан руслар ҳам, украинлар ҳам фақат манфаатдор бўлади, холос”, — дея таъкидлаган Владимир Путин. У, шунингдек, Грузиянинг собиқ раҳбари, Одесса вилоятининг собиқ губернатори Михаил Саакашвилига Украина паспортини қайтаришни таклиф қилган.

Михаил Саакашвили жавобан: “Мени мамлакатга қўймаслик талабини Грузия, Туркия, Арманистон ва Озарбойжонга ҳам қўйган эдингиз. Туркия президенти Эрдўған билан 2016 йилги саммитда менинг масаламни муҳокама қилгансизлар. Бу ахир сизнинг ишингиз эмас. Украиналиклар билан ўзимиз келишиб олавeрамиз”, — дея жавоб қайтарган Россия президентига.

Маълумот ўрнида айтиш мумкинки, грузиялик сиёсатчи Михаил Саакашвили 2013 йили Грузияни тарк этгач, унга ўз мамлакатида бир қатор жиноий ишлар қўзғатилганди, айримлари бўйича сиртдан қамоқ жазолари ҳам тайинланган эди. 2015 йили Пётр Порошенко унга Украина фуқаролигини берган ва Одесса вилояти губернаторлигига тайинлаган, аммо худуднинг иқтисодий кўрсаткичларини сезиларли даражада ёмонлаштириб юборганлиги туфайли уни 2016 йилнинг ноябрь ойида ишдан бўшатган эди.

Хитойга ташрифи якунлари бўйича уюштирилган матбуот анжуманида Путин, эндиликда Москва Украина фуқароларига соддалаштирилган тарзда Россия фуқаролигини бериш ҳақида бош қотираётганини маълум қилди. Дарҳақиқат, Россия президенти 24 апрель куни Донбасс аҳолиси томонидан Россия паспортларини соддалаштирилган тартибда олиш ҳақидаги фармонга имзо қўйган эди.

Шу йилнинг 27 апрель куни эса Украина президентлиги сайловларида ғолиб чиққан Владимир Зеленский Россия президенти Владимир Путинга илк мурожаатини эълон қилди. Унда Зеленский Путиннинг Украина фуқароларига соддалаштирилган тартибда Россия паспортлари берилиши бошланиши мумкинлиги борасидаги сўзларига изоҳ бериб, Путин билан учрашишга тайёр эканини маълум қилган. Унинг фикрича, рус ҳукумати йирик нуфузли украиналикларни Россия паспортлари билан оғдиролмайди.

“Агар кимдир Россия фуқаролигини олмоқчи бўлса, демак, бу ишни ё пул топиш учун ёки мамлакатдаги жиноий таъқибдан қочиш учунгина қилган бўлади, — дейди Зеленский. — Россия паспорти эркин сайловларга эга бўлолмаслик, тинч норозилик учун ҳибсга олиниш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини унутиш каби “ҳуқуқ”ларнигина беради, холос. Украиналикларда эса сўз эрки, интернет ва эркин оммавий ахборот воситалари мавжуд”. Шунингдек, бўлғуси президент Россия ҳукумати билан музокараларга тайёрлигини, икки томонлама муносабатлар Донбасс ва Қрим масаласи адолатли ечим топгандан сўнггина изга тушишини таъкидлаган.

Император тахтдан воз кечди

30 апрель куни Япония императори Акихито синтоий ибодатхонасида тахтдан воз кечиш билан боғлиқ диний маросимларни бажо келтирди.



Япон телевидениеси орқали императорнинг Касикодоро ибодатхонасига киргани ва тахтдан кетаётгани тўғрисида маълум қилгани, шундан сўнг унинг тўнғич ўғли Нарухито тахтни эгаллашини билдириш мақсадида у ерда ибодат қилгани кўрсатилди. Расмий маросим эса Токио шаҳридаги император саройида бўлиб ўтди. Унда бош вазир Синдзо Абэ императорга миннатдорлик билдиргач, Акихито император сифатидаги сўнгги нутқини ирод қилди. Тантанали маросимда императорнинг рафиқаси Митико, валиахд Нарухито, қонунчилик, ижрочилик, суд ҳокимиятлари ва бошқа бошқарув идоралари вакилларидан иборат 338 кишилик кузатувчи қатнашди.

Шундай қилиб, Японияни милоддан аввалги 660 йилдан буён бошқариб келаётган сулоланинг 125-императори Акихитонинг тахтдан кетиши билан мамлакатдаги 30 йиллик Хэйсэй – “Тинчлик ўрнатиш” даври якун топиб, “Рэйва” – “Гўзал уйғунлик” даври бошланди. 1 май куни Нарухито қилич, зебу зийнат ва 126-император бўлганининг далили ўлароқ императорлик муҳрини қабул қилди.

Сирли касаллик

Непал давлатининг Хумла туманида икки юздан ортиқ одам номаълум касалликка чалиниб, 10 нафари вафот этди. Уларнинг кўпчилиги кексалар ва болалардир.

“Синьхуа” ахборот агентлигининг хабарига кўра, касаллик бир ҳафта илгари туманнинг бир қанча қишлоқларида тарқалган. Қайд этилишича, бу касаллик қарийб ҳар йили авж олади. Ҳозирда маҳаллий ҳукумат ваъдасига мувофиқ бир гуруҳ шифокорлар унинг қандай хасталик эканини аниқлашга уринишяпти.

Интернет хабарлари асосида
Мансур ЖУМАЕВ
тайёрлади.

Усмон АЗИМ, Ўзбекистон халқ шоири:

Мени мутолаа улғайтирган

“Болалар бахтли ёхуд бахтсиз эканини билмайди. Чунки уларда ҳаётий тажриба йўқ”, деб ёзади Анна Ахматова.

Бу сатрларни ёзган шоира ҳам, албатта, ўз тажрибасидан келиб чиққан. Чунки унинг болалиги ниҳоятда “силлиқ” — фожеалар кўлкасидан йироқда ўтган.

Мен эса бахтсизликни эсимни билгандан буён танийман. Чунки, атрофимдаги ҳаёт (энди англасам) ниҳоятда бешафқат эди.

Ахматова ҳаётнинг бешафқатлигини кейин — улғайганида — бошига минг савдолар тушганида англади.

* * *

Кеча Алишер Навоий ҳазратларининг бир сатрига кўзим тушиб, ҳаяжонланиб кетдим. Ҳазрат “Маҳбуб ул-қулуб”да “турк болалари”нинг “оқсуяк” ўйнагани ҳақида ёзиб ўтганлар.

Шунга шунчами дерсиз?

Гап шундаки, мен ҳам болалигимда оқсуяк ўйнаганман. Кечалари ўйналадиган бу ўйин менга жуда сеҳрли ва завқли туюлган. Кейинчалик ҳам бу ўйинни негадир кўп эслаганман...

Энди тасаввур қилинг, Ҳиротда Алишер деган “атрок” боласи ўйнаган ўйинни беш юз йилдан сўнг Бойсуннинг бир четида Усмон деган болакай ҳам ўйнаган.

Нақадар яқинлик, нақадар бир илдизмиз...

Бир халқнинг фарзандларимиздa!

Аммо ҳозир бу ўйинлар унут бўлган.

Болалар “оқсуяк”нинг нималигини ҳам билмайди.

Вақт тезлашди...

Нима ҳам дердик!

Аммо Навоий ҳазратларидан кейин ҳам беш юз йил умр сақлаган ўйин, биргина менинг умрим давомида изсиз кетиши жуда ачинарли.

Кетаётган нимагаки ачинсанг, ўша йўқотишдир.

* * *

Эсимни таниганимдан буён китоб менга жуда сеҳрли таъсир ўтказишини ҳис қиламан. Китобдаги саф-саф тизилган ҳарфларни катталар мукка тушиб мутолаа этиши; уйимиздаги удум бўйича, кечқурун чироқ атрофига тўпланиб китобхонлик қилиш; халқ достонларини жамоат жамлигида қироат билан ўқиш — мени мудом ҳайратга солган. Қоғоздаги аллақандай қаторқатор белгилар сўзга, ёхуд қироатга кўчиб жаранглаши, одамларга, воқеаларга айланиши менга жуда ғайритабиий туюлган. Китобни шариллатиб ўқийдиган одамларга сеҳргарга қарагандай ҳавас билан қараганман. Ичимдан зимиллаб кўтарилган чидаб бўлмас бир бетоқатлик мени китоб ўқишга, уларда ҳикоя қилинадиган — кўрмаганим дунёларни кўришга, англашга тинмай чорлаган. Ҳали ҳарфларни билмасам-да, ҳеч ким йўғида, китобларни олиб варақларканман, менга сирини очгиси келмаётган нотаниш ҳарфларга соатлаб тикилганман.

У пайтларда ҳаёт жуда оғир эди. Урушдан очу ялангоч чиққан одамлар кун кўриш учун ўзини минг тарафга урган кезлар. Эрталаб ҳамма ўқишга, ишга кетади. Бўш вақт топилдими, кун ўтказиш учун ҳамма ўлиб-тирилиб меҳнат қилади.

Менга ҳарф ўргатишга эса ҳеч кимнинг вақти бўлмаган.

Шу сабабданми, мени мактабга эртароқ юборишга ҳаракат қилишган. Биринчи бор мактабга беш ёшимда борганман. Назаримда, бу боришим “қани, бир бориб кўрсинчи” қабилида кечган бўлса керак. Чунки, эслашимча, мактабга борганим кун, эрта тийрамоҳ бўлса ҳам, биринчи сентябрь эмас, оддий ўқув куни эди. Жуда гўдак кўринган бўлсам керак, Асқаров домла учинчи синфда ўқийдиган Саида опамни чақириб, “янаги йил олиб келинглар” деб жўнатиб юборган.

Олти ёшдан эса ўқиб кетдим.

Ҳар қандай ҳолатда китоб ўқирдим: дарслар оралиғидаги танаффус пайтларида, овқат еяётганда, меҳмонга борганда, тўй бўлаётганда (томнинг устига чиқиб ўқийверасан — сен билан бировнинг иши йўқ!)... Ҳатто юриб кетаётганда ҳам, урилиб-суриниб ўқийвердим.

Мол боқишга чиққанда ҳам, албатта, китоб кўтариб олардим.



Мол боқиб, китоб ўқиш энг қийин иш эди.

Экинзорлар орасидаги парчапурча бўш жойларда қўй-эчкиларни боқардим. Ем бўлавериб, бу жойлардаги кўкатлардан ҳеч ваҳо қолмаган. Жониворлар кўм-кўк бўлиб, яшнаб ётган экинга интилади. Уларни қайтариб, китобга кўз тикаман. Бирпасдан сўнг китобдан бош кўтариб қарасанг, улар пайкалнинг ўртасида экинни иштаҳа билан еяётган бўлади. Югургилаб бориб қайтарасан, яна ўқишга тутинасан. Бир қарасанг яна... Бу ҳол тўхтовсиз такрорланади.

Ўша пайтдаёқ яхши китоб билан учрашув мен учун байрам бўлган.

Учинчи синфда ўқиб юрганимда, бир қариндошимизникига меҳмонга бордик. Кўк рангли муқовасига ғалати кийимли, елкасига милтиқ осиб олган одамнинг сурати ишланган: “Робинзон Крузо”. Токчада кўриб қолдим. Дарҳол олдим-да, бир бурчакка ўтириб ўқишга тутиндим. Кетадиган вақт етганда, китобдан қандай ажралишни билмай, қўлимда ушлаб туравердим. Беришмади. Кутубхонаники экан, бунинг устига хонадон соҳибаси ўқиётган экан...

Бошлаб ўттиз-қирқ бет ўқиганим китоб юрсам ҳам, турсам ҳам хаёлимдан кетмайдиган бўлиб қолди. Охири китобни излаб, қариндошларимизникига бордим.

— Э... — афсусланди улар, — кутубхонага топшириб юборибмиз-ку!

У пайтлар расмана кутубхонани кўрмаган эдим.

Мактабимизда кутубхона йўқ, улар айтаётган кутубхона эса туман марказида — мен учун қўл етмас бир манзилда эди. Кутубхонага кириб, китоб олишимни тасаввур ҳам қилолмас эдим. Ахир, кўчадан кирган одамнинг қўлига китоб тутқазиб жўнатавермасалар керак.

Бешинчи синфда ўқиб юрганимда, мактабимизда ҳам кутубхона ташкил этиладиган бўлиб, бир юк машинада анчагина китоб олиб келинди.

Мана, зиммасига кутубхоначи вазифаси ҳам юкланган Тилаков муаллим кутубхона учун ажратилган хонада китобларни эски шкафларга, столлар устига саришталяпти. Мен очиқ деразадан китоблардан кўзимни узолмай томоша қиляпман. Бирдан кўзим “Робинзон Крузо”га тушади. Ўша — кўк муқовасида милтиқли одамнинг расми солинган китобнинг ўзи!

Мен жуда бетоқатланаман.

Буни Тилаков сезади.

— Қайси китобга тикилаяпсан?

“Робинзон Крузо”га имо қиламан.

У китобни қўлига олиб, менга қарайди:

— Ўқийсанми?

— Ҳа, — дейман кутилмаган бахтдан шошиб. Вужудим бир онда фарахбахш қувончга тўлганини туяман: — Ҳа, ўқийман!

Домла китобни варақлайди.

— Ўрисча экан... Ўрисча биласанми?

Мен ўрисча билмайман.

Бирдан бахтим қора бўлади.

Бир онда юрагимни тўлдирган бахт шу заҳотиёқ қовжираётганини ҳис қиламан. Аммо нимадандир умидворман.

Домла буни англайди. У китобни “адашмадиммикан?” дегандай, яна бир бор варақлайди.

— Мана, ўзинг қара... Ўрисча.

Мен ҳам варақлайман. Кўз югуртираман. Нотаниш сўзлар...

Ҳафсалам пир бўлиб, китобни қайтараман.

— Фақат ўрисча китобларни юборишибди, — дейди бошқа бир-икки китобни варақлаб домла. — Битта ҳам ўзбекча китоб йўғ-а...

У бу нодонларча ишни ўзи қилгандай жим қолади. Энди ўйлайман: бизни кимдир масхара қилган. Бўлмаса, бу ташвишга не ҳожат эди? Ёки тасодифан мансаб теккан бирор амалдор тепадан келган буйруқни шу тариқа — “Бажардиммми? Бажардим!” қабилида амалга оширганмиқан? Кутубхона борми, бор! Тамом-вассалом!

Ҳозиргача ўз халқига бепарво мансабдорларни кўрсам, ўша ҳолат эсимга тушади.

Тилаков домла яхши одам эди. Бизга дарс бермаган бўлса ҳам, мени яхши танир: Нормурод тоғам билан жуда яқин — тез-тез ҳовлимизга бориб турар, айтишларича, урушда изсиз йўқолиб кетган Норбой тоғам билан мактабда бирга ўқиган экан.

Менинг — ногаҳон бегона юртда чўнтаги кесиб кетилган кимсадай — ночор туриб қолганимни кўриб, Тилаков домланинг раҳми келади:

— Райондаги болалар кутубхонасида шу китоб бор, — дейди у киши. — Сен ўша кутубхонага аъзо бўлишинг керак.

У киши йўл-йўриқ кўрсатадилар.

Бор йўғи, мактабдан “фалон жойдаги фалон синфда ўқийди” деган маълумотнома керак экан.

Шу китобни ўқимасам, осмон ерга ўйилиб тушадигандай эди.

Ҳаётимда биринчи марта катта ишга қўл урдим.

Менга етиб бўлмас осмондай туюлган директор кабинетининг эшигини қоқдим.

Директор бирпасда маълумотнома ёздирди. Имзо қўйди. Муҳр босди.

Дарсдан кейин тўғри, кутубхонага қараб жўнадим.

Мана, қўлимда “Робинзон Крузо”!

Ўқишга тутиндим: Одатдагидай, танаффус пайтида, овқат еяётганда, подага чиққанда... Ҳатто юриб кетаётганда ҳам... урилиб-суриниб, ўқийвердим.

Икки кундан кейин китобни қайтариб олиб бордим.

Яна китоб олдим...

Китобни тез ўқиб, тез қайтаришимдан кутубхоначи Норбиби хола ниманидир англади.

Энди бирваракайига учта-тўртта китоб берадиган бўлди.

Бахтим чопди.

Ботир тоғам ўқишни битириб, кимсан — адабиёт муаллими бўлиб, уйга қайтди. Қайтганда ҳам, тўрт шакар халта тўла китоб билан қайтди.

Китоблар бўш хонанинг бир бурчагига вақтинча қўйилди. Мен шу заҳотиёқ китобларни бир бошдан ўқишга тутиндим.

Бу митти кутубхонада ўша пайтларда нашр қилинган деярли ҳамма китоблар: мумтоз ва замонавий шоир, ёзувчиларнинг, мунаққидларнинг; ўша пайтда “қардош халқлар” деб атайдиганимиз адабиёт вакилларининг; хорижлик муаллифларнинг асарлари бор эди.

Саноқсиз уй юмушларидан бўшаганимда, ўзимни шу хонага ураман. Шолча ҳам тўшалмаган қуруқ ерда ўтириб, ўқишга киришаман.

Дунё унутилади.

Бир вақт уйдагилардан кимдир деразаданми, эшикдан хонага бош суқади:

— Э, шу ерда экан! — дейди у ҳовлидагиларга.

Мен ўзимга келаман. Нимадир дейман. Кўп гапиролмайман. Чунки китоб ўқиганим сари ўзимнинг оғирлашиб бораётганимни, юрагимда аллақандай зил ўйлар пайдо бўлаётганини, атрофимдаги одамлар, кечаётган воқеалар бошқача туюлаётганини ҳис қиламан.

Деразада онам пайдо бўлади. У киши менга синчиклаб қарайди.

— Бирор жойинг оғримаяптими? — дейди онам аллақандай бир туманли хавотирда.

Бошимни сарак-сарак қиламан:

— Йўқ.

— Чой-пой ич, деб чақирсак, овозинг чиқмайди. Хавотир олдик. Юр, чой ичиб ол...

Мен ўқиётган китобимни олиб, онамга эргашаман.

Айвонда дастурхон ёзилган.

Дастурхонда чою нон. Қатиқ. У пайтларда бошқача дастурхон бўлиши мумкин эмас. Пишиқчиликда яна мева-чева қўйилади. Қишда майизу туршак... Ҳафтада бир марта — бозор кун иссиқ овқат қилинади. Ҳамманинг уйида шунақа.

Дастурхон бошида ҳам китобни очиб қўяман. Икки кўзим унда. Онам менга аллақандай раҳми келиб, қараб-қараб қўяди.

— Нондан ол. Китобни кейин ўқирсан...

Куч билан китобдан кўз оламан.

Аммо хаёлим китобда. Хаёлимда китобдан ўсиб чиққан аллақандай фикрлар...

— Эй, эй... — Бу Саида опамнинг овози. — Мана бу қотиб қолди!.. Эй...

Ўзимга келаман. Онам билан опам жаранглаб куладилар.

— Нимани ўйлаб қолдинг? — дейди опам.

Нимани ўйлаганимни тушунтириб беролмайман. Бу ҳолнинг — ўзига “чўкиб кетиш”нинг нималигини ҳали англамайман. Бу ҳолни — бир лаҳзада ўтирган жойингдан, теварагингдаги ҳамма нарсадан ажратиб, аллақайларга оқизиб кетадиган — “илҳом” деб аталадиган беназир туйғу эканини ҳам ҳали туйганим йўқ...

Чой ичарканман, яна китоб ўқишга тутинаман. Дастурхон бошига кимдир келиб, кимдир кетаверади, қўшнилар чиқади. Аммо мен уларни ғира-шира кўраман. Уларнинг гаплари ҳам қулоғимга кирмайди...

— Ишларинг қолиб кетди, болам! Ишим кўп. Бир бола қиладиган ишдан кўра жуда кўп.

Норозилигимни яшириб, қўзғаламан.

У йилларда ҳовлимизда кўпчилик яшардик. Аммо қизиқ бир вазият юзага келган — мол-ҳолга қарайдиган, майда-чуйда ишларни бажарадиган мендан бошқа дастёр йўқ эди. Мендан ёши катта тоғамлар ва акам шаҳарга ўқишга кетган, мендан кичикларнинг эса у-бу иш ҳали қўлидан келмасди.

Ҳаёт ҳам оғир — одамнинг умри бу қийинчиликлар билан тинимсиз курашдан иборат; ҳамма — каттакичик тўхтовсиз меҳнат қилар: кучим етиб-етмайдиган жуда кўп юмуш менинг ҳам зиммамда эди.

Бирор юмуш вақтида бажарилмаса, рўзғорнинг ингичкаси чўзилиб, аранг уланган ипи узилиб кетгудай бўлар — ҳафтада бир қайнайдиган “қора қозон”нинг ҳам қайнамай қолиши хавфи туғилар эди.

Шу сабаб, китоб ўқишим баъзан шовқин-суронли жанжал даражасига бориб етадиган ҳолатлар билан бўлиниб туради.

— Усмон қани?! — деб қичқириб қолади кимдир.

Демак, қайсидир бир юмушни унутганман. Ё ўт ўриш эсимдан чиққан, ё тезак теришга бориш хаёлимдан кўтарилган, ё бирор топшириқ...

— Буни китобдан бошқа иши йўқми?! — ғазабга минади овоз.

Негадир хўрланиб ташқари чиқаман. Тезроқ улғайишни истайман. Ўшанда ихтиёрим ўзимда бўлади: хоҳласам китоб ўқийман, хоҳласам... хоҳласам, яна нима қиламан? Йўқ, ёзувчи, ёки шоир бўлишни орзу қилишга журъат этолмайман. Адиблар, ҳатто газеталардаги миттигина хабарнинг муаллифи менга бу дунёнинг одамларига ўхшамайдиган — аллақандай сеҳрли, олисдаги зот туюлади.

Давоми бор.

Китобхонлик

Бу баландпарвоз гап эмас, китоб ўқиш инсоннинг фикрлаш қобилиятини ошириши, хотирага ижобий таъсир этиши қадимдан маълум.

Китоб ўқиш руҳни соғайтиради

Кексаларга китоб ўқиш қандай таъсир кўрсатади? Мана бу жуда қизиқ савол! Тиниб-тинчимаган инсонлар, америкалик олимлар ана шу саволга жавоб топиш учун ажойиб тажриба ўтказишди: 89 ёшгача бўлган 295 нафар қария умрларининг қайси йилларида кўпроқ китоб ўқиганликлари ҳақидаги тест саволларга жавоб қайтардилар. Гап шундаки, умри давомида ҳар куни 2-3 соат китоб ўқиган кексаларда ақлий фаолият бошқаларга қараганда 15 фоиз, фикрлаш қобилиятлари 32 фоиз юқори эканлиги ўз тасдиғини топган. Демак, китоб ўқиб туриш нафақат инсоннинг илмини, қарашларини оширади, балки унинг соғлом яшашига ҳам туртки беради. Шундай экан, китоб ўқиш доимий севимли машғулотимизга айлансин.



Гулистон шаҳрида замонавий “Bookcafe” ва “Ўқитувчи” бренди билан китоб дўкони очилди. Бу ердан барча китобхонлар ўзларига ёққан асарни танлаб, ўқиши ва харид қилиши мумкин. Кафе-кутубхонада (Book cafe) мутолаа чоғида қаҳва, чой ва чанқовбосди ичимликлар ичиш мумкин.

Қаҳвадан хўплаб, асарларни танланг

Дўкондаги 10 мингдан ортиқ бадиий адабиёт ва бошқа китобларнинг барчаси Ўзбекистон Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги тизимига қарашли нашриётлардан бевосита олиб келинади.

— Келгусида бу лойиҳани бутун юртимиз бўйлаб амалга оширишни режалаштирганмиз, — деди мазкур агентлик директори Комил Алламжонов. — Китобхонликнинг “Сирдарё тажрибаси” мамлакатимиз бўйлаб кенг оммалаштирилади. Ўйлайманки, бу барча китобхонлар, айниқса, билимга чанқоқ ёшларга манзур бўлади.

Қайд этиш керакки, давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган беш ташаббуснинг тўртинчиси – ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилишни янги босқичга олиб чиқишдир. Ана шу ташаббус доирасида ҳар бир ҳудудга бир миллион донадан бадиий, тарихий, илмий, оммабоп мавзулардаги китоблар етказиб бериш кўзда тутилган. Шунингдек, ҳудудлардаги ахборот-кутубхона марказларини реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ишлари ҳам режалаштирилмоқда.

Бойқобил ЖЎРА.

Тафаккур

АЛИ АБУ ИБН СИНО ҲИКМАТЛАРИ

Абузаржмеҳр (бу китоб қандай ёзилгани ҳақида) сўз очиб айтдики, мен устозимга савол бердим ва у киши менга жавоб қилардилар.

Устозимдан сўрадим:

— Эй, устод, мен Худои азза ва жалладан нимани тилайки, барча яхшиликларни тилаган бўлай?

Устодим айтдилар:

— Уч нарсани — соғу саломатликни, эминхотиржамликни ва давлатмандликни!

* * *

Сўрадимки:

— Агар дўст тутинган кишинг муносиб эмаслигини билиб қолсанг, қандай қилиб ундан узоқлашмоқ мумкин?

Айтдиларким:

— Уч йўл билан — у билан камроқ учрашмоқ, ҳолаҳволини суриштирмаслик ва ундан бирон иш ҳожатини тиламаслик билан узоқлашмоқ даркор.

Сўрадимки:

— Ёшлар учун қандай иш яхшию, кексалар учун қандай иш муносиброқ?

Айтдиларким:

— Ёшларга уят билан ғайрат, шижоат билан жасурлик; қарияларга донишмандлик ва оҳисталик ярашади.

Зияев Тахирга тегишли Олмазор (собиқ С.Раҳимов) тумани, Мевазор 2-тор кўча, 8-уйнинг кадастр ҳужжатлари ва уй плани йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Газетанинг навбатдаги сони 2019 йил 4 май, шанба куни чиқади.

HURRIYAT Mustaqil gazeta

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Бош муҳаррир Абдурасул ЖУМАҚУЛОВ

Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080 — рақам билан рўйхатга олинган.
Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2.
Баҳоси келишилган нархда

Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда бўлиб, улар муаллифларга қайтарилмайди.

Адади: 2800
Буюртма — V-3357
1 2 3 4 5

Топшириш вақти — 20⁰⁰
Топширилди — 20⁰⁰

Телефон: (0-371) 244-32-68, 244-32-91
Тел-факс: (0-371) 244-32-80
Реклама ва маркетинг бўлими: (0-371) 244-32-88

Обуна индекси: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Манзилимиз: 100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru; info@uzhurriyat.uz

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва дизайнер А.Содиқов томонидан саҳифаланди.

Навбатчи: Қ.Очилов. Мусаҳҳиҳ: Ш.Убайдуллаева.

“O‘zbekiston” НМИУ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.